ЎзССР Давлат китоб палатаси
Кн 95, 98
Гос. книжная палата УзССР

● Дастуримиз одамларда қизиқиш уйғотмоқда ● Миллий тикланиш нима? ● Унинг асослари, йўналишлари, босқичлари ● Партия энг аввало жипслашув ва тараққиётга хизмат қилади ● Беҳбудий нимани кўзлаган эди? ● Ҳаётнинг нашъаси нимада, биласизми? ● Халқ манфаатлари йўлида янги газетамиз билан ҳамкорлик қилинг

1995 йил, 10 июн

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

1-сон

Ўзбекистон миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

ХОСИЯТЛИ ОДИМ

Миллий тикланиш партиясининг тузилиши замонамизнинг серхосият воқеаларидан биридир. Совет Иттифоқининг барбод бўлишидан бошланган изланиш, саросима ва ҳатто маълум даражада умидсизланиш даври энди бутунлай орқада қолди. Президент Ислом Каримовнинг «мустақиллик модели» деб аталиши мумкин бўлган кашфиёти ўзининг самарали ва истиқболли эканини биз, ўзбекистонликларгина эмас, бутун дунёга ҳам исбот этди ва тараққийпарвар инсоният томонидан тан олинди.

Аммо бу, ҳаётий муаммоларимиз тамом ҳал бўлди, деган сўз эмас, албатта. Истиқболимиз равшан ва шу билан бирга олдимизда турган вазифалар мушкул ва кўп.

Энди бу мушкулликларни ҳал этиш учун Президент атрофига яна ҳам маҳкамроқ жипслашимиз керак. Бу тарихий жараёнга ҳисса қўшиш — ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг вазифамиз.

Миллий тикланиш партиясининг майдонга келиши одамларнинг бошини қовуштирувчи ва уларни мақсад йўлида фидокорликка чақирувчи яна бир жамоат ташкилотининг майдонга келишидан далолатдир. Ўз юртининг ва шахсан ўзининг бахтини тилаган ҳар бир инсон энди бундай хосиятли ҳаракатларга мадад бериш тилаги билан яшамоғи лозим.

Азизхон Қаюмовнинг Миллий тикланиш партияси аъзолари томонидан янги партияга раис этиб сайланиши мени жуда ҳам қувонтирди. Ўзбек халқининг содиқ ва истеъдодли фарзанди Усмон Юсуповнинг фарзанди қаторида тарбияланган Азизхонда отаси — маърифатпарвар Пўлатхон домла халқи ва ғайратига хос кўпгина фазилатлар мавжуд. Азизхон давлат ишида министр даражасига етиб, узоқ ишлаб, ўзини кўрсатган киши. Ишончимиз комилки, унинг ҳаётий ва ижтимоий тажрибаси янги партиянинг республикамиз ҳаётида ўзига муносиб ўрнини топиб олишига ва мустақил Республикамизнинг равнақига ўз ҳиссасини қўшувига ёрдамлашади.

Янги партияга оқ йўл ва катта муваффақиятлар тилаймиз.

Иззат СУЛТОН,
ЎзФА академиги

ИЖТИМОИЙ ВОҚЕЛИГИМИЗДА УЛКАН ҲОДИСА

1995 йил 3 июн куни мамлакатимиз тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир улкан воқеа бўлиб ўтди. Шу куни Тошкентда Киночилар уйида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг биринчи Таъсис қурултойи иш бошлади.

Қурултойга 4183 партия аъзоларидан 208 номзод сайланган. Номзодларнинг 127 таси ўқитувчи, 38 таси шифокор, 23 таси маданият ходими, 18 таси ижодкор, 22 таси иқтисодчи, 38 таси муҳандис, 14 таси қишлоқ хўжалиги хизматчилари, улардан 22 таси аёллардир.

Қурултойни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад очди. У Миллий тикланиш партиясининг вазифалари, партияни тузиш заруриятини етиб келганлиги тўғрисида сўзлади: сайланган вакиллар ва таклиф этилганларнинг барчаси келганлигини ҳисобга олиб, қурултойни очиш мумкин, деган таклиф бор. Қурултой очилсин, деган номзодларнинг овоз беришини сўрайман. Қаршилар? Йўқ. Бетарафлар? Йўқ. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг биринчи таъсис қурултойини очиқ, деб эълон қиламан. Қурултой ишини бошқаришни партия ташкилий қўмитасининг раиси Азизхон Қаюмовга топшираман.

А. Қаюмов партия ташкилий қўмитасининг аъзолари И. Ғафуров, Ў. Ҳошимов, Р. Хўжаниёзов ва Сайит Босит Файзуллаевларни қурултой ҳайъатига сайлашни таклиф этди. Қурултой М. Норматов, А. Расулов ва В. Алимасовлардан иборат ўз котибиятини ҳам сайлади. Қурултой кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон Миллий демократик партиясининг Устави ва Дастури тўғрисида. Маърузачи Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташкилий қўмитасининг раиси А. Қаюмов.

2. Миллий тикланиш демократик партиясининг Марказий ҳайъатини сайлаш.

3. Миллий тикланиш демократик партиясининг Марказий тафтиш комиссиясини сайлаш.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Устави ва Дастури юзасидан А.Қаюмов маъруза қилди.

Маърузадан кейин музокараларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў. Ҳошимов, Ф. Жалолов, Ғ. Хўжаниёзов, Х. Зиёев, Тожи Қораев, Тўлан Низом, И. Бойиров ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Ў. Ҳошимов: — Миллий тикланиш партияси Ўзбекистоннинг миллий давлатлигини мустаҳкамлаш, халқ маданиятини ривожлантириш, республикамиздаги ижодкорларни, зиёлиларни бирлаштиришга хизмат қилади. Ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий манфаатларига, миллий мафкурасига эга. Бизнинг партиямиз ана шу миллий манфаатларни шакланиши ва уни ҳар бир фуқаро манфаатларига айланиши учун курашади.

Ф. Жалолов: — Мустақилликка эришиш халқимизни орзуси бўлиб келди. Ҳозир бизнинг шу орзуимиз амалга ошди. Бизнинг ушбу партиямиз республикамиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи зарур. Шунингдек, у бошқа партиялар, жамоат ташкилотлари билан доимо ҳамкорлик қилмоғи лозим.

Ғ. Хўжаниёзов: — Миллий тикланиш демократик партияси ўз фаолиятини республикамизда яшаётган турли элатлар, миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратмоғи лозим. Қорақалпоғистон Республикасида нафақат қорақалпоқ, шунингдек, ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқлари ҳам яшайди. Демак, биз ана шу халқларнинг миллий қизиқишларини ҳисобга олишимиз зарур.

Х. Зиёев: — Биз катта тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шу пайтгача зиёлилар айрим-айрим ҳолда ижод қилиб келди, энди улар Миллий тикланиш партиясига бирлашиб республикамиз истиқболи учун хизмат қилиши мумкин. Бизнинг партиямиз энг аввало сиёсий ва маънавий манфаатларга хизмат қилиши керак.

Т. Қораев: — Миллий мустақилликка эришиш халқимизнинг қадимий орзуси бўлиб келди. Энди бу мустақилликни мустаҳкамлаш, республикамиз ҳар бир фуқаросини бу ишга жалб қилиш ҳар бир зиёлининг вазифасидир.

Мен партиямизни жаҳон ишларига онги ёришган одамлар партияси деган бўлардим. У ўз атрофига илм, фан, маданият ва маорифда хизмат қилаётган йириқ олимларни, ижодкорларни бирлаштирган. Бу кучлардан унумли фойдаланиш партиямизнинг халқ олдида обрўсини ошириши мумкин.

Т. Низом: — Партиямизнинг мустаҳкамланиши, халқ ичида обру топиши кўпроқ бошланғич партия ташкилотларига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий, тарғибий ва тарбиявий ишларини юқори савияда олиб бориш масалалари ҳар доим диққат марказида бўлиши зарур. Вилоятларда партияга қизиқиш катта.

И. Ботиров: — Хоразмлик зиёлилар ҳам Миллий тикланиш партиясини ташкил этилаётганини қўллаб-қувватлайди. Партия Дастурида Ўзбекистонда яшовчи барча миллатларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлашга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилган. Бу жуда тўғри. Бизнинг туманда асосан ўзбек ва туркман халқлари яшайди. Бу қардош халқларнинг миллий манфаатларига хизмат қилиш партиямизнинг обрўсини оширади, деб ўйлайман.

Қурултой Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Устави ва Дастурини асос учун қабул қилди. Айтилган таклиф ва мулоҳазалар асосида Устав ва Дастурни таҳрир қилиб матбуотда эълон қилиш Марказий ҳайъатга юклатилди. Қурултой кўрилган масала юзасидан Резолюция қабул қилди. Шундан сўнг вакиллар партиянинг раҳбар тизимларини сайладилар. Марказий ҳайъат ва Раёсат таркиби, Марказий Тафтиш комиссияси ва унинг раиси, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири сайланиб тасдиқланди.

Шу билан қурултой ўз ишини якунлади.

АСОСЛАР

Мақсадларимизга эришиш, янги, демократик жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга, ёшларимиз қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эътиқод қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир. Шу боис аҳолининг маълумот олиш имкониятини ошириш, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир.

Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсгина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин. Ушбу ҳақиқатни тушуниш халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилаш, таълим-тарбиянинг бутун тизимини янгилаш жараёнининг замирида ётиши зарур.

Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда ғайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мероси билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкинлигини ёддан чиқармаслик лозим.

Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам, маълумот даражаси, профессионал

БОСҚИЧЛАР

тайёргарлик даражаси XXI аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак. Бу — ислоҳотларнинг белгиланган йўлдан боришини муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши кафолатидир. Бу — сарфланган маблағлардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишдир.

Биз йигит ва қизларимизнинг маълумотли киши учун зарур бўлган барча билимларни эгаллай олишларига, янги шароитларга тез ва машаққатларсиз мослашишларига имкон беришимиз керак. Янгиланган ўз давлатларини қуриш, ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишларига имкон берадиган, маданий, ахлоқий ва маънавий қадриятларни эгаллаб олишлари учун ёрдам берадиган шароит яратишимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

ЙЎНАЛИШЛАР

Азизхон ҚАЮМОВ

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ЕТАГИДА

Ўзбекистон халқи ғоят қадимий ва буюк маданий обидаларга, анъаналарга, ёдгорликларга эгадир. Ҳозир мустақил ва эркин Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлида бу бебаҳо бойликлардан тўла ва ҳар томонлама истифода этмоқ, халқимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатида улуғ аждодларимиз қолдирган меросдан унинг барча энг яхши томонларини олиб, ҳозирги миллий сиёсатимизни бойитиш, самаралироқ қилиш янги ташкил бўлаётган Миллий тикланиш демократик партияси кўзлаган олижаноб мақсадларнинг бир қиррасидир.

Энг қадимий ёдгорликлардан бири «Авесто» икки ярим минг йиллик тарихга эга. Авестони яратган Зардушт бу китобида уқтирадики, ибодатнинг энг яхши тури инсоннинг ўз тирикчилигига оид ишларни яхши бажармоғидир. Агар киши ўз турмушидан хурсанд ва баҳравар бўлса, ерни обод қилса, жаҳонга, жаҳон аҳлига фойда етказса — тоат қилмоқнинг энг яхши кўриниши шу бўлади.

Авестодаги Ято Аҳу ваийро қўшиғининг 2 нчи бандида бундай дейилган: Ахуронинг даргоҳига энг яхши тортиқ жаҳон ишлари фикрида бўлмоқликдир. Ерни жаннатга айлантирмоқ керак. Хуш ва хуррам яшамоқ биҳиштда яшамоқ демакдир. Ёмон турмуш, ҳаёт яхшиликларидан бебаҳра қолмоқ эса дўзахда яшамоқдир (Авесто, Роҳи Зардушт).

VIII асрга оид турк руний битикларидан Қул Тегин ёдгорлигида турк будуига (турк халқига) хитобан ёзилган: «(Эй турк халқи) фақат қабилаларнинг доимий иттифоқини тузгандагина сен яшаб қола оласан.

Мен турк халқини бирлаштириб, қабилалар иттифоқини қандай тузмоғингиз кераклигини билдириб, бу ёзувни битдим» (Қул тегин ёдгорлиги. Мисралар 62, 81, 82).

Қадимий туркий битикларнинг туб моҳияти кишиларда бирдамлик ва иттифоқ, ватанпарварлик, хорижий босқинчилар тажовузига қарши биргалашиб курашмоқ ғояларининг таъсирли ташвиқидан иборат.

Бу ёзма ёдгорликлар туркий халқларнинг бирлиги бош вазифа эканини очиқ кўрсатади.

Бу ғояларнинг мустақил Ўзбекистоннинг бугунги ташқи ва ички сиёсатига жуда мос эканлиги равшан.

VIII асрдан бошлаб бизнинг еримизда ислом мафкураси ўрнашди. Мана минг йилдан ортиқ давр мобайнида бу мафкурага асосланган ислом маданияти юзага келди. Бу маданиятнинг моҳияти инсонни улуғлашдир.

Инсонпарварлик, халқпарварлик ғояларининг таъсирли ташвиқи ислом замирида юзага келган тасаввуф таълимотида янада яққолроқ кўринади. Шайх Нажмиддин Кубро, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа тасаввуф мутафаккирлари инсонни кундалик ҳаётнинг барча ишларини амалга ошира бормоққа, жамият ҳаётидан узилмасликка чақирдилар. Эътиқод эса дилда, қалбнинг тўрида бўлмоғи керак.

Улуғ устоз мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобурлар жамият ҳаётини уюштириш соҳасида ғоят қимматли йўл-йўриқлар кўрсатганлар. XIV—XV асрларда давлат мафкураси бўлмиш кубровийа, нақшбандийа ва уларга алоқадор бошқа таълимотлар бу соҳада асосий қўлланма бўлган. Бу мафкуравий йўналишлар ҳам шахс, ҳам жамият такомилини ўрнатишда асосий ўрин тутган.

Улуғ Навоий ўз асарларида инсон гўзаллиги ва буюклигини табиат ва коинот буюклиги, гўзаллиги билан тенг қўйди. Уларнинг яратувчи гўзаллиги ва буюклигини акс эттирувчи кўзгу сифатида тасвирлади. Навоий ёзади:

Жилваи ҳуснига чу йўқ эрди ҳад
Кўзгу керак бўлди анга беадад
Очти бу гулшанники, рангин эрур
Ҳар гул анга оинаи чин эрур.
(«Ҳайрат ул-аброр»)

Яна Навоий инсонни улуғлаб ёзади:

Тўрт унсур, етти кўк олти жиҳот
Нодиру олий асоси коинот
Барчадин ашрафки, ул инсон эрур
Ким камолидин хирад ҳайрон эрур.
(«Лисон ут-тайр»)

Ўзбекистон мутафаккирларининг XIX—XX асрлардаги фаолияти бу соҳада ғоят ибратлидир. Нодира, Мунис, Огаҳий, Феруз, Муқимий, Фурқат, Анбаротин, Сўфизода, Беҳбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний ва уларнинг кўплаб сафдошлари халқни маърифатпарварлик йўлига ташвиқ этдилар. Манба ва маорифни ривожлантирмоқ, савод-хонликни ўстирмоқ, илм-фан чўққиларини эгалламоқ мамлакат ва халқ ҳаётининг юксалишига олиб келажагини ҳаяжонли куч билан ифодаладилар.

Гар дадангиз озгина пул берса ҳам
Дафтар олинг ёки анга бир қалам
Бўлмасангиз олима аям, ачам
Қайда бўлур уйларимиз мунтазам
Кумри билан булбулу бедоналар
Яхши ўқур, сиз ҳам ўқинг оналар! — деб ёзган эди Суфизода. Ана шу вақтда вужудга келган жадидлик ҳаракати ўз олдига бош мақсад қилиб чор мустамлакачилик сиёсатига қарши курашни, миллий истиқлолга эришмоқни қўйди. Айни замонда жадидлар қолоқ, маҳдуд ва догматик тушунчаларга қарши кураш олиб бордилар. Улар ислоҳот йўли билан, жамиятнинг замонавий тараққиёти сари етаклашга ҳаракат қилдилар.

Инсонни бундан кўра ортиқроқ улуғламоқ мумкинми?

Ана шу келтирилган лавҳалар халқимизнинг тафаккури тарихида инсонпарварликнинг қанчалар узоқ асрлар давомида ривож топганидан далолат беради. Қўшимча инсонпарварлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини биз ота-боболаримиз қолдирган меросдан тўла фойдаланган ҳолда ўстира борамиз.

Партиямиз фаолиятини ана шу асосда ташкил этамиз.

(Давоми 3-бетда)

ЯНГИ ПАРТИЯ ГУВОҲНОМАСИ

Кеча Ўзбекистон Адлия вазирлигида мамлакатда иш бошлаётган бир қанча жамоат ташкилотларига гувоҳнома топшириш маросими бўлиб ўтди. Гувоҳномаларни топширар экан, адлия вазири Алишер Мардиев Республикада юзлаб жамоат ташкилотлари фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда фаол қатнашаётганликларини таъкидлаб, янги жамоат бирлашмаларига жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз равнақи йўлида муваффақиятлар тилади.

Шу маросимда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига ҳам расмий гувоҳнома топширилди.

Йиғилишда Жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, фаоллари, олимлар, журналистлар, адлия ходимлари иштирок этдилар.

БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

8 июнь, Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Ғулом Мирзо хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Литвага сафарининг иккинчи куни мамлакатдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашди. Ислом Каримов Болтиқбўйи мамлакати ишбилармонларига Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар, хорижий шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўзлади. Уларни ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашда ҳисса қўшишга даъват этди. Литвалик тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Республикамиз Президенти Вильнюс шаҳридаги «Аудеяс» Гобилен ишлаб чиқариш фабрикасида бўлиб, корхона фаолияти билан яқиндан танишди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Литва Республикаси Сейми раиси Чесловас Юршенас билан учрашди. Мулоқот ниҳоясида Ислом Каримов фахрий меҳмонлар китобига эзгу тилаклар билдирилган дастхат қолдирди.

Ташриф ниҳоясида Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Сарой майдонида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Литва мадҳиялари янгради.

Президент Ислом Каримов шу куни Вильнюсдан Тошкентга жўнаб кетди. Вильнюс халқаро аэропортида республикамиз Президентини Литва Бош вазири А. Шлежявичюс, ташқи ишлар вазири П. Гилис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

***

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Вильнюсдан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзА)

* Мақола партиянинг биринчи таъсис қурултойида сўзланган нутқ асосида тайёрланди (редакция).

ҲАЁТ ОДАМЛАРГА НАШЪАЛИДИР

Янги меҳмон табассум олиб келди

Ватан тараққиёти партияси янги ташкил топган Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясини табриклайди.

Ёш давлатимиз миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида бугун катта ва жиддий ишларни амалга ошираётир. Ўтказилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистонимизнинг ўзи танлаган йўлдан оғишмай бораверишги, орқага йўл йўқ эканини барчага исботлаб турибди. Бироқ ислоҳотлар суръати республикадаги барча соғлом кучларнинг Ватан манфаатлари йўлида нечоғлик уюшганлигига ҳам боғлиқдир.

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Ягона мафкуранинг ҳукмронлигига барҳам берилган демократик жамият қурар эканмиз, орзу ва мақсадлари, манфаатлари муштарак шахсларнинг турли-туман партияларга бирлашиб, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнига фаол аралашмоғи табиий ҳол. Зотан, шу нарса республика аҳолисининг сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигини ошириб, ислоҳотларнинг жадаллашувига ҳам ҳисса бўлиб қўшилади. Биз Миллий тикланиш партияси ҳам тараққиёт йўлидан жадал бораётган Ватанимизнинг манфаатлари йўлида ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилишга умид билдирамиз. Кўппартиявийлик шароитида партияларнинг ўзаро рақобат қилмоғи табиий ва жоиздир. Лекин бугунги ўтиш даврида партияларнинг рақобатга эмас, ўзаро ҳамкорликка интилиши, Ватан манфаатлари учун энг мос бўларди, деб ўйлаймиз.

Шу азиз Ватан барчамизники. Унинг гуллаб-яшнаши йўлида биргалашиб, ҳамкорликда фаолият кўрсатсак, албатта, ҳамма умидларимиз рўёбга чиқажак!

Анвар ЙЎЛДОШЕВ,
«Ватан тараққиёти» партияси раиси

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИ

МУҚАДДИМА

Узоқ йиллик чор истибдоди ва тоталитар шўро тузуми даврида халқимизнинг юрагида уч қутлуғ орзу-армон учун улуғ ғоя яшаб келди. Бу МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ, ТАРИХАН ШАКЛЛАНГАН ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИ ҚАЙТА БАРПО ЭТИШ, МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ орзуси ва ғояси эди. Мустамлакачилик зулми, шўро тазйиқи ва таъқиблари халқимизнинг бу муборак ғояларини рўёбга чиқаришга бўлган интилишларини сўндиролмади. Унинг энг фидойи, зиёли фарзандлари саъй-ҳаракати мана шу муқаддас ғояларни халқ ва жамият тафаккурига сингдиришга, уларни амалга оширишга қаратилди.

Ўзбек халқининг Маҳмудхожа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Сиддиқий-Ажзий, Ибрат, Фитрат, Тавалло, Қодирий, Чўлпон каби мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти миллий истиқлолга эришиш, миллий тикланиш, мустақил, ҳар қандай қарамликдан қутулган давлатчиликни қуриш учун ҳам сиёсат, ҳам маърифат майдонида курашишдан иборат бўлди. Бу шижоаткор инсонларнинг ягона орзуси — Ватанни озод, халқимизни маърифатли кўриш эди.

Халқимиз озодлиги учун курашганлар миллат фарзандларини замон кишиси, маърифатли, тараққиётчи инсон сифатида кўришни орзу қилдилар, унинг амалга ошишини уйғониш, ҳушлик, маърифат билан боғладилар. Қиёфаси ўзгарган, лекин, моҳияти ўзгармаган мустамлакачиликдан қутулишни бош мақсад деб билдилар.

Энг буюк орзу амалга ошди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон этилди. Чор Россияси ва шўро тузуми даврида колониал империянинг хом ашё манбаи бўлган, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожи умумжаҳон тараққиётидан четда қолган, маънавий олами миллий замин, асрий тажрибалар, анъаналардан узилган мамлакат ниҳоят жаҳон ҳамжамияти сафидан ўзининг тарихий ва ҳуқуқий ўрнини эгаллади. Мустақил кучга айланди. Тарихи минг йиллар билан ўлчанган қадимий халқ ўтган тўрт йил мобайнида мустақил давлат ва демократик жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини, маънавий негизларини барпо этди ва уни янада ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Миллий истиқлол жараёни энди ўсиб, миллий тикланиш босқичига ўтмоғи лозим. Миллий тикланиш — миллатнинг ўзини англаши, миллий тафаккурга кенг йўл очиш, Ватаннинг асл моҳиятини ҳар томонлама шакллантириш, бутун инсоният эъзозлаган қадриятлар асосида миллий камолот йўлини белгилаш, кучли демократик давлат қуришда ҳам жаҳон тажрибалари, ҳам миллий-анъанавий омилларни қўллаш, ва айниқса, ҳозирги замон шароитида ўта муҳим бўлган миллатнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш заминида фаровон ва озод истиқболни яратишдир.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси чор истибдоди ва тоталитар шўро тузумига қарши курашган халқимизнинг фидоий фарзандлари онг-тафаккурида шаклланган миллий истиқлол ва миллий тикланиш ғояларидан озиқланади, ўзини шу улуғ ва муқаддас ғояларнинг вориси деб билади.

Мана шу улуғ мақсадни амалга ошириш мақсадида жамиятдаги бошқа сиёсий партиялардан фарқли ўлароқ, МИЛЛАТ, ИНСОН ва ВАТАН манфаатини муқаддас деб билган Ўзбекистон фуқароларини бирлаштирган Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг улкан саъй-ҳаракати билан тамал тоши қўйилган — пойдевори кўтарилган мустақиллик асосларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ижодий тараққий эттиришни партия ўзининг асосий вазифаси, деб қарайди.

Партия умуминсоний қадриятларни миллий қадриятлар билан узвий боғлаган ҳолда Конституцияда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқлар асосида ўз сиёсатини юритади ва мамлакатда яшовчи халқлар ва элатларнинг конституцион ҳуқуқларини ва фуқаролик эркинликларини ҳурмат қилади. Партия олий мақсад — Миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш йўлида ўз ҳаракатининг асосий йўналишлари деб қуйидагиларни белгилайди:

1) МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ БИРЛИГИ;
2) ВАТАН (ТУРКИСТОН) — ЯГОНА ОИЛА;
3) КУЧЛИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ;
4) МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР;
5) ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА УМУМЖАҲОНИЙ ИНТЕГРАЦИЯ;
6) ЗАМОН КИШИСИ;
7) МИЛЛИЙ ИСТИҚБОЛ.

Партия мана шу йўналишлар миллий тикланишимизнинг мазмуни моҳиятини ташкил этади деб ҳисоблайди.

1. МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ БИРЛИГИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси жамиятдаги тинч-тотувлик, қонун устиворлиги, ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқининг таъминланиши, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар равнақи, давлатчилик ва истиқлолнинг мустаҳкамланиши миллий маънавий бирликка боғлиқлигини эътироф этади ва ўз ҳаракатини мана шу бирликка эришишга қаратади. Партия миллий маънавий бирлик улуғ ғоя ва мақсад билан йўғрилмоғи лозим деб билади ва бу ғояни МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ғояси деб ҳисоблайди. Тикланиш — юксалиш демакдир.

Ҳар қандай миллий юксалиш—умумжаҳон маданий-иқтисодий тараққиётига қўшилган муносиб ҳиссадир. Шунинг учун партия миллий тикланиш янги замоннинг янги мазмунли интеграцияси, келаётган янги минг йиллик учун жуда катта аҳамиятга молик ҳодиса деб қарайди. Ҳам миллий, ҳам умумжаҳон миқёсидаги юксалишга доимий интилиш бўлмас экан, ҳар қандай улуғ ғоя ҳам сохта ва ўткинчи нарсага айланади. Маънавий бирлик бор жойда ғоя ва мақсад улуғлашади, улуғ мақсад сари интилган инсон ва жамиятнинг келажаги ҳам улуғ бўлади.

2. ВАТАН (ТУРКИСТОН) — ЯГОНА ОИЛА

Миллий тикланиш ғоясига хизмат этадиган омиллардан асосийси «Ватан — ягона оила» туйғусини, ватанпарварлик ҳиссини камол топтиришдир. Бу ҳар бир фуқарога хос туйғу бўлмоғи лозим. Бу туйғунинг асл моҳияти Ўзбекистонда яшовчи ва миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг «Мен — Ўзбекистонликман!» деб қалбан яқинлашуви билан белгиланади. Шу сабабдан Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Ўзбекистон равнақи йўлида тарихи, диний эътиқоди, урф-одати ягона бўлган маҳаллий миллатларнинг маънавий иттифоқда бирлашувига интилган ҳолда, Ўзбекистонни ватан деб билган, унинг равнақига ҳаётини бағишлашга тайёр ҳар бир фуқарони ўз сафларига даъват этади. Зеро, ягона Ватан туйғуси фақат қондошлик туфайлигина эмас, қалбан, маънан яқин бўлган ҳаммаслак инсонларга хосдир. Ватанни севиш, уни ягона ҳонадон, ҳамжиҳат оила деб ҳис этиш — етук инсоний фазилатдир. Бир жону бир танли оилада, ҳамжиҳатлик бор жойда куч-қудрат, осойишталик бўлади, фидойилик, инсонийлик ва мурувват тарбияланади.

Инсоннинг ўз она юрти тақдирига масъуллик сезиши тараққиёт ва маънавий бирликнинг буюк кучларидан бирини ташкил этади. Ватанпарварлик — бу керак бўлса, Ватан учун ширин жонни ҳам фидо этиш, оғир синовларга дош бериш ҳамда миллат ва мамлакатнинг камолотига, тараққиётига ҳисса қўшиш. Шунингдек, Ватан равнақига ғов бўлган ҳар қандай иллатга муросасиз бўлиш демакдир. Ватанпарварлик — бутун халқ фаровонлигини ва бахт-саодатини кўзлашдир.

3. КУЧЛИ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилларини тан олган ҳолда, демократик мезонларни жамиятимиз ҳаётига тадбиқ этишда нусха кўчириш йўли билан эмас, балки азал-азалдан шарқда мавжуд бўлган, демократиянинг қадимдан шаклланган, ҳар бир ўлканинг ўзига мос ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда иш тутмоқ лозим деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай жамиятнинг даражаси, ундаги демократик анъаналар тарзи энг аввало инсонга бўлган муносабат билан белгиланади. Ҳар қандай ислоҳот, шу жумладан, демократик жараёнларнинг жамият турмушига бўлган таъсири ҳам инсон бахт-саодати ва фаровонлиги ғояси билан йўғрилган тақдирдагина муваффақиятга эришади.

Жамиятдаги инсон ҳақ-ҳуқуқлари тушунчаси энг аввало адолат тушунчаси билан боғлиқдир. Ўзбек халқининг адолат ҳақидаги тушунчалари эса жуда қадимийдир. Ўз давлати тизимини «Қуч—адолатдадир» шиори асосида тузган улуғ Амир Темур тарихи бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Ўзбекистонда кучли демократик давлат ва жамият қуриш йўлида мазкур шиорга ўзининг маънавий ворис эканлигини билдиради.

Миллий тикланиш демократик партияси биз қураётган демократик жамият — адолатли ижтимоий модел — биринчи навбатда инсоннинг асосий ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчлари, уларнинг иқтисодий имкониятлари ва ижтимоий-маиший шароитларини тенглик асосида таъминланишига эришишдир, деб ҳисоблайди.

4. МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий ислоҳотларнинг ҳаёт синовларидан ўтишининг кафолати, уларнинг изчил ва қатъият билан амалга оширилишига, жамият барқарорлигига хизмат қилишнинг гарови миллий — исломий қадриятлар эканини эътироф этади ва ўз дастурини бажаришда мазкур қадриятлардан кенг фойдаланади.

Ўзбек зиёлилари асрлар давомида, айниқса мустабидлик замонида — асримиз бошида тафаккуримизнинг ривожига ҳалақит берадиган, маданий-маиший турмушимизни издан чиқарадиган баъзи анъаналару маросимлардан бутунлай воз кечишга ёниб-куйиб даъват этганлар. Беҳбудий, Авлоний, Мунаввар қори, Тавалло, Қодирий каби боболаримизнинг ўша даврдаги бутун ижоди, сайъ-ҳаракати халқимизни бидъат, қолоқ турмуш ва тушкун маънавият ўпқонида сақлаган айрим анъаналар, маросим ва урф-одатларнинг моҳиятини очадиган, маърифатга чорлайдиган ғоялар билан йўғрилган.

Ўзбекистон Миллий тикланиш партияси халқнинг тафаккурини мустақиллик мафкураси билан ёритишни мақсад қилар экан, уни юксак маънавият ва маърифат заминида шаклланган миллий қадриятларнинг доимий таъсири ўзгартиради, деб ҳисоблайди ва бутун ҳаракатни мана шу қадриятларни ҳаётга кенгроқ жорий этишга қаратади.

5. ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА УМУМЖАҲОНИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

Миллий истиқлол ва эркин бозор иқтисодиётига ўтиш Ўзбекистонни жаҳон демократик ҳамжамияти ва жаҳон бозорининг муносиб аъзосига айлантиради. Бизда жаҳоннинг илғор илмий-техникавий, технология тараққиётига тезлик билан қўшилиш, бу имкониятлардан баҳраманд бўлиш шароитлари очилди.

Яқин келажакдаги вазифалар, бу мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулкни ўз эгалари қўлига топшириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун кенг йўл очиб беришдир.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси илмий-техникавий тараққиётини давлатнинг қудрати ва халқ фаровонлигининг кафолати деб ҳисоблайди. Шу сабабдан ҳам партия халқни давлат ишларига жалб қилиш, уни иқтисодий қурилишнинг тўла иштирокчисига айлантиришни ўзининг етакчи мақсади деб белгилайди. Миллат ўзининг келажаги учун зарур ишга тортилганини сезса, ватани, оиласи, наслларининг эндиги ва келгуси бахт-саодати, фаровон турмуши ўз иштирокига боғлиқлигига ишонч ҳосил қилгандагина мамлакат тез орада куч-қудратга тўлади. Бунга халқни барча замонавий ихтисосларни эгалашга отлантириш, етук малака эгаси қилиш, ўқитиш, ўргатиш ва тарбия билан эришилади.

Партия шу сабабдан миллатнинг ёш авлодини радиоэлектроника, кибернетика, бионика, авиация, алоқа, ҳарбий соҳалар, кончилик ишлари, ядро физикаси, замонавий кимё саноати ва бошқа фундаментал фанлар ютуқлари асосида пайдо бўлаётган янги-янги соҳаларга жалб қилишни давлат ва жамиятнинг бош вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Партия замонавий ўзбек давлатини бундай соҳаларсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳисобга олиб, бутун ҳаракатини шу йўналиш учун зарур асослар, чоралар ва шароитлар яратишга қаратади.

6. ЗАМОН КИШИСИ

Замон кишиси — ўзини ўзи теран англаган, тафаккурлашга қодир ватанпарвар, миллий ғурурга эга сиёсий маданияти шаклланган, миллий қадриятларни эъзозлаган, демократик ғояларга садоқатли, миллат ва Ватан тараққиётига етук хизмат қиладиган-ташаббускор, етук малакали, юксак маънавиятли шахсдир.

Замон кишиси — ўтган аждодлар ва келгуси авлодлар олдида масъулият сезадиган, миллат ва давлатнинг ривожига хизмат қиладиган ғоя ва интилишларни ўзида мужассам этган баркамол инсондир.

Замон кишиси — ҳақ-ҳуқуқини таниган, адолатпарвар, ҳақиқат учун тинмай курашадиган, Ўзбекистон истиқлоли ва истиқболи ҳақида қайғурадиган, миллатнинг ва Ватаннинг қадр-қимматини англаган, уни ҳимоя қилишга, керак бўлса юрт истиқболи учун жонини бахшида этишга тайёр турган ватанпарвар инсондир.

Замон кишиси — Ўзбекистон осмони, табиати, ери, суви, барча мавжудотлари соф, тоза, соғлом бўлиши, бир сўз билан айтганда, табиий қобиллик учун курашади. Партия шундай инсонларни ўз сафига тортади ва шундай кишиларни тарбиялаш вазифасини ўз олдига қўяди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси мана шундай замон кишисини тарбиялашни давлат ва жамиятнинг олий вазифаси деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси миллатнинг маънавий бирлиги, кучли демократик давлат қуриш, миллий қадриятларнинг ҳаётийлиги, илмий-техникавий тараққиёт, Ватан ва миллатнинг бугуни ва келажаги — барча-барчаси, энг аввало замон кишисини тарбиялаш билан боғлиқ деб ҳисоблайди ва бутун ҳаракатини шу вазифани бажариш учун зарур асослар ва шароитлар яратишга қаратади.

7. МИЛЛИЙ ИСТИҚБОЛ

Миллий истиқбол — миллий тафаккур равнақининг натижаси, миллатнинг ҳам ўзини, ҳам жамиятни давлатманд қилиш учун ихтисослашгани, замонавий ҳаётнинг барча соҳаларини аъло даражада бошқара оладиган малака, ўқув ва маҳоратга эга бўлиши, миллатнинг замон ва унинг талаблари билан уйғунлигидир.

Миллий истиқбол — маънавий бирликнинг бош омили бўлган миллий тарбия турмушнинг ҳар бир қатламида устивор бўлиши, давлатчилик ва жамият асосида миллий қадриятларнинг туриши, халқ маънавиятини юксалтиришда аждодлар ахлоқий мезонларининг кенг ва изчил қўлланилиши, жамият аъзоларининг миллат манфаатларини кўзлаб иш тутиши демакдир.

Миллий истиқбол олижаноб анъаналар ва қадриятларга янгича руҳ бағишлаган ҳолда, умумжаҳон тажрибаларини ижодий ўрганиб барпо этилади. Миллий истиқбол миллатнинг қадимий тажрибаси заминида янгилик ва тараққиётга интилиш туфайли рўёбга келади. Миллий истиқбол миллий тикланиш натижасидир.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг бош мақсади миллат ва халқнинг бахт-саодат ҳақидаги орзу-армонлари намоён бўладиган ана шундай миллий истиқболни яратиш учун Ўзбекистон фуқароларини давлат ва жамият қурилишининг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтиришдан иборатдир.

ХОТИМА

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси миллатпарвар фуқароларнинг сиёсий иттифоқи бўлиб, миллат ва Ватан манфаатларини ички ва ташқи тазйиқлардан демократик усул ва воситалар орқали ҳимоя қилади.

Партиянинг асосий вазифаси миллий манфаатлар заминида ташкил этиладиган кучли давлат ва адолатли жамиятни барпо этишдан иборат.

Партия ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш вазифасини миллат манфаатларини таъминлашдан ажратмаган ҳолда бажаради ва миллат манфаатларини таъминлаш ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишнинг кафолотларидан бири деб ҳисоблайди.

Партия миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда Ўзбекистон жаҳоннинг барча давлатлари билан ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатишга қаратилган ҳар томонлама очиқ ўзаро фойдали ташқи сиёсий-иқтисодий сиёсат олиб бориши тарафдоридир.

Партия бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган Марказий Осиё халқларининг тарихий бирлик туйғусини, муқаддас ва ягона Туркистон туйғусини қайтадан тиклаш, азалдан қардош халқлар юрагига пайванд этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Миллий тикланиш партияси миллат ва Ватан мулкини талаш, совуриш билан шуғулланган ҳар бир фуқаро, эгаллаб турган мансаби, эътиқоди ва жамиятда тутган ўрнидан қатъий назар, қонун олдида жавобгарликка тортилиши лозим деб ҳисоблайди. Зеро, адолат — бу тенглик ва озодлик, ҳақиқат ва қонуннинг ягона гаровидир.

Партия мустақиллик шароитида бошланган иқтисодий ислоҳотларни тўла қўллаб-қувватлаган ҳолда, миллий манфаатларга зид ва фуқароларнинг моддий-маънавий турмушини қашшоқланишига сабаб бўладиган чора ва усулларни мутлақо рад этади.

Партия Ўзбекистоннинг аграр мамлакат эканини ҳисобга олган ҳолда, деҳқончилик ва у билан боғлиқ кичик ва ўрта корхоналарни изчил ривожлантириб бориш тарафдоридир.

Партия Ўзбекистон халқи серфарзанд оилалардан иборат эканини ва мана шу оилаларда миллатнинг келажаги ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан шаклланаётганини эътиборга тутган ҳолда серфарзанд оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур деб ҳисоблайди ва ўз фаолиятида шу йўналишда иш юритади.

Партия Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаётган миллатдош ва юртдошларимиз билан яқин алоқада бўлади ва халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, миллий-маданий марказлар ташкил этиш билан тили ва урф-одатини сақлаб қолишда кўмаклашади.

Партия миллий манфаатлар йўлида жамиятдаги барча сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади, ҳукуматнинг миллий манфаатларга зид келмаган ҳар бир амалий тадбирини қўллаб-қувватлайди, миллий манфаатларга қаратилган сиёсатни амалга оширишда фаол иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙ САЙЛАГАН РАЁСАТИ

ҚАЮМОВ АЗИЗ — РАИС
ҒАФУРОВ ИБРОҲИМ — РАИС ЎРИНБОСАРИ. «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИНИНГ БОШ МУҲАРРИРИ
ТОШЛОНОВ ТОШПЎЛАТ — РАИС ЎРИНБОСАРИ.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҲАЙЪАТИ

Абдуллаев Исматулла—Наманган Давлат университетининг Шарқ тиллари кафедраси мудири
Абдуваҳобов Абдували—ЎзФА вице-президенти
Абдуғаниев Иброҳим Ҳожиевич— Ўзбекистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси
Алиев Маннон Ғафурович—Тошкент молия иқтисод институти проректори
Аҳмедов Бори—Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, ЎзФА мухбир аъзоси
Аҳмедов Муҳаммаджон—Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги Ҳамза қишлоқ, Ҳамза маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси
Буряков Юрий Федорович—ЎзФА Археология институтининг бўлим бошлиғи
Владимирова Нинель Васильевна—Ўзбекистон ФА Адабиёт институтининг катта илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
Воҳидов Эркин—Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси
Давронов Хуршид—Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари
Дусимов Зарифбой—Урганч Давлат университети кафедра мудири, профессор
Дўстмуҳаммедов Хуршид— «Ёш куч» журнали бош муҳаррири
Жалилов Сайфи Жалил—Тошкент Давлат консерваторияси кафедра мудири, профессор, Ўзбекистон халқ артисти
Ботиров Искандар — Хоразм вилояти, Урганч тумани Махтумқули номидаги мактаб директори
Зарипова Зебунисо—Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани 1-ўрта мактаб ўқитувчиси
Зиёев Ҳамид— Ўзбекистон ФА Тарих институти бўлимининг мудири, профессор
Исломхўжаев Абдукарим Маҳмудович—Чернобилчилар уюшмаси раиси
Каттабеков Акром— Гулистон Давлат университети проректори
Мадумаров Баҳодиржон—Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани, Жанубий Оламушук тиббиёт бўлими бош врачи
Маҳмудов Низомиддин— Низомий номидаги Тошкент педагогика институти декани
Маҳмудов Орхон Сирожиддинович— Республика педиатрия илмий-текшириш институтининг директори, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Раёсатининг аъзоси
Маҳмудов Тилаб— «Ғулистон»журнали бош муҳаррири
Мирзамаҳмудов Исмоил— «Маънавият ва маърифат» Республика жамоатчилик маркази Фарғона вилоят бўлими бошлиғи
Мелиев Омон Абдуллаевич—Самарқанд Давлат архитектура институтининг декани
Каликин Владимир Викторович— КНК(лтд) фирмаси
Низомов Тўлан — Андижон вилояти. Бўз педагогика билим юрти директори, шоир
Носиров Ўрол— «Маънавият ва маърифат» Республика маркази Жиззах вилояти бўлими бошлиғи
Пак Лев Николаевич— «Народное слово» газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари
Расулов Абдуғафур—Тошкент Давлат университети филология факультетининг доценти
Сабарбоев Отабек—Тошкент иқтисодиёт университети талабаси
Саид Аҳмад— Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Саифназаров Исмоил—Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Республика иқтисодиёт лицейининг директори, фалсафа фанлари доктори
Саъдуллаев Темур — рассом
Тошпўлатов Ҳасан Раҳимович— Тошкент шаҳар «Туркистон» маҳалла йиғини раиси
Телегенов Даврон —Навоий вилояти Қонимех тумани «Чордара» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Тошлонов Тошпўлат—Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг бош бўлими мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор
Фаттаев Шерали Турсунпўлатович— НИКРИ Фирмаси
Фозилов Носир— Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби
Шойқулов Самад Раҳматович—Қарши Давлат университети ЭҲМ кафедраси мудири
Шоҳирмардонова Шоҳида— бастакор
Қаюмов Азизхон—Ўзбекистон ФА Қўлёзмалар институтининг директори, Ўз ФА мухбир аъзоси
Қодиров Омонулла —Тошкент техника университетининг проректори, техника фанлари доктори
Қораев Тожи— Бухоро Давлат университети ўзбек ва тожик тили филологияси факультети декани
Қурбонбоев Абдураҳим Тожибоевич— Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати устаси
Ғафуров Иброҳим— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси муҳаррирининг ўринбосари, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати
Ҳошимов Ўткир — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик тараққиёт йўлини танлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўли сафида ўз келажаги — XXI асрга дадил кириб боряпти.

Миллий мустақил давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамланиб бораётгани, бозор иқтисоди, янги мулкчилик шакллари билан боғлиқ кенг йўналишдаги ислоҳотларнинг муваффақиятли ривож топаётгани, шулар баробарида мамлакатимиз ҳам, халқимиз ҳам катта халқаро миқёсларда обрў-эътибор орттираётгани, ўз ақл-салоҳиятларига ишонч ҳосил қилаётгани — буларнинг ҳаммаси эндиликда МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ палласи етиб келганлигини кўрсатади. Миллий тикланиш бизга узоқ ориф аждодларимиз ва яқин фидойи маърифатпарварларимиздан мерос ғоядир.

Миллий тикланиш яқин келажак жамиятимиз ва халқимиз ҳаёти олдига қўядиган барча олижаноб вазифалар, барча ижтимоий-сиёсий соҳаларда жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари ҳамда халқлари қаторига қўшилиш, муносиб ўрин олиш, барча жаҳон мамлакатлари билан миллий манфаатлар заминида чамбарчас иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий-илмий-фанний алоқалар ўрнатиш, дўстлик ришталарини боғлаш демакдир.

Халқимизнинг янги замоннинг барча соҳаларида қад ростлаши, ўзини ўнглаши ва англаши, кенг маънода маърифатли бўлиши — миллий тикланиш нақадар долзарб вазифа бўлиб қолаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси худди мана шу йўналишдаги вазифаларни ҳал этишда Президент олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаш, унга ҳар томонлама ёрдам бериш мақсадида тузилди. Шуни назарда тутиб, партия ўз сафларига халқим деб, ватаним деб ғайратматонат билан иш олиб бораётган барча халқпарвар, миллатпарвар кучларни чорлайди, уларнинг ғайратлари, интилишлари ва салоҳиятларини ўз сафларида бирлаштиради.

Шу улкан вазифа ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг биринчи таъсис қурултойи

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси таъсис қилинди деб ҳисоблансин.

2. Партиянинг қурултойга тақдим этилган Устави ва Дастури тасдиқлансин. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар таҳрир ҳайъати томонидан ўрганиб чиқилсин.

3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Марказий ҳайъати Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти концепциясига асосланган ҳолда сиёсий, маданий, иқтисодий, маънавий-маърифий илмий-ижодий ҳаётимизнинг барча қирраларига Миллий тикланиш ғоясини олиб кириш, буни ҳозир ва яқин келажакда энг муҳим вазифа — умумдавлат миқёсидаги иш деб қарашни тавсия этади. Улкан аҳамиятга молик бу вазифаларни амалга оширишда партиянинг барча ташкилотлари ҳамда аъзоларини сафарбар этсин ва шу жараёнларнинг етакчиси бўлсин.

4. Партиянинг барча ташкилот ва аъзолари Миллий тикланиш ғояси, унинг умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғлиқлигини, ҳар қандай Миллий тикланиш — умуминсоният тараққиётига қўшилган ҳисса эканлигини чуқур англаб етган ҳолда халқ ичида кенг тарғибот олиб борсинлар ва ҳар ишда шахсий маърифий-маънавий намуна кўрсатсинлар.

5. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъати жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги шу йўналишда иш кўраётган партиялар билан яқин алоқалар, муносабатлар ўрнатсин. Миллий тикланишнинг Ўзбекистон учун мос йўллари ва шаклларини ҳаётга тадбиқ этишда жонбозлик қилсин.

6. Партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, унинг тизимларини такомиллаштириш, ҳаракатчан қилиш, барча бўғинларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлашни бугунги босқичда энг муҳим партиявий иш деб топилсин.

7. Миллий тикланиш демократик партиясининг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистоннинг турли соҳаларида шуғулланаётган зиёлиларнинг салоҳиятларини кўтариш, юксалтириш, улар олиб бораётган ишларни жаҳон ҳамжамиятига таништиришдан иборатдир.

8. Партия ўз фаолиятини республикада иш олиб бораётган бошқа партиялар, ҳаракатлар, миллий марказлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон олдида турган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратиши лозимлигини таъкидлаб ўтади.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси халқимиз ҳамда Ватанимизнинг сиёсий, иқтисодий салоҳиятини тўла тиклаш, бу борада жаҳон мамлакатлари эришган ютуқларни тадбиқ этиш, ҳалол ижодий меҳнати билан Ўзбекистонни фаровон ва қудратли давлатга айлантириш фикри билан илҳомланган ҳар бир софдил киши унинг сафларида бўлади деб ишонч билдиради.

1995 йил, 3 июн
Тошкент

ҲАЁТ ОДАМЛАРГА НАШЪАЛИДИР



Атомни эмас, бешикни суямиз!

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Бу ҳафта Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси асослари эълон қилинди. Ў миллий хавфсизлик умумдавлат концепциясининг ҳарбий-сиёсий қисмига дахлдор расмий қараш-лар мажмуини акс эттиради.

Асосларда айтилишича, Ҳарбий доктрина Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсатнинг асосини ташкил этиб, «Мустақиллик Декларацияси», «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонун, Конституция қоидаларига, давлатимизнинг Бирлашган Миллатлар ташкилоти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзоси сифатидаги мажбуриятларидан келиб чиқади. Доктринада чунончи шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлигига асосланиб ва халқаро майдонда сиёсий кучлар янгича жойлашувининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун Ўзбекистонга жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлаш ва давлатнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш қаёти зарурдир».

Доктрина Ўзбекистон ҳарбий сиёсатининг барча томонларини қамраб олгандир.

•

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. Каримовнинг фармони билан «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги» Қонунига ўзгартишлар киритилди. Қонунинг биринчи бандида чунончи, шундай дейилган: «1 1-моддадаги «31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан» сўзлари «26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан» сўзлари билан алмаштирилсин. Жуда муҳим ўзгартишларни назарда тутган Қонун алифбони жорий этиш муддатларига ҳам айрим тузатишлар киритди.

•

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти ходимларининг хорижий мамлакатлардаги ҳамкасблари билан ижодий ҳамкорлиги кенгаймоқда. Янги Деҳли Университети профессори, бобурийлар даврини ўрганиш бўйича йирик мутахассис Муҳаммад Аминнинг бу ерда илмий изланишлар олиб бораётгани бунинг яққол далилларидан биридир. Олим бир йил давомида Тошкентдаги бир қанча институтларда ҳиндистонда қарийб уч ярим аср мобайнида иқтисодиёти, фани ва маданияти юксалишига қўшган улкан ҳиссаси хусусида қизиқарли маърузалар қилди. У Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси билан ҳамкорликда институт илмий хазинасини тўлдиришга ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг ташабуси билан ана шу даврга оид 150 та тарихий, илмий ва бадиий асар ўзбек олимларига ҳадя этилди.

Бобур ва бобурийлар сулоласи ҳақидаги бу нашрлар

«ТУРКИСТОН» — УМУМИЙ ВА ЯГОНА ХАЛОСКОРИМИЗ

Сарлавҳадаги Туркистоннинг қўш тирноқ орасига олинишининг сабаби бор: бу ерда биз тарихий-жуғрофий маънодаги эмас, балки амалий-ғоявий мазмундаги Туркистонни назарда тутяпмиз.

Қадимги римликлардан қолган бир ҳикмат бор: «Бемаъни бўлгани учун ҳам ишонаман». Яъни киши бемаъни нарсаларга, масалан ҳатто ақл бовар қилмайдиган мишмишларга тез ишонади. Аммо вақт ўтиб, унинг бемаънилиги маълум бўлгандан сўнг, шунча тез ўз ишончидан қайтади (совет давридаги порлоқ келажак — коммунистик жамиятга бўлган «ишонч»ни эслайлик). Мазкур ҳикмат ҳам ана шундай ҳолатлардан тийиш ва тийилишга ундайди. Яъни инсон бирон-бир нарсага иложи борича унинг мазмун — моҳиятини билган ҳолда ишониши (ё ишонтирилиши) керак. Шунда у ҳеч қачон, шароитдан қатъий назар ўз ишончидан орқага чекинмайди. Бундай ишонч ҳатто авлодга бир меросий мулк, ирсий одатдек ўтиб бораверади.

Демак ҳар қандай ишонч асосида билиш ётиши даркордир. Шундагина у қудратга айланади. Унинг воситасида зар ё зўрлик билан ҳам рўёбга чиқиши мушкул бўлган тадбирлар амалга ошиши мумкин. Бугунги кунда кўпчиликнинг фикрини қамраб олган «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясига ҳам худди шу тарзда муносабатда бўлиш унинг амалий натижаларига эришиш жараёнини тезлаштиради деб ўйлаймиз. Зеро, бу мақсад йўлида барча туркистонликлар баббаравар ғайрат қилишлари лозимлиги аёндир. Шу сабабдан ҳам биз бу ғоянинг — моҳияти, руёбга ошириш йўллари, ундан келадиган хусусий ва умумий нафлар, олдиндаги қийинчиликлар ҳақида умумий ва барча туркистонликлар учун ҳазм бўладиган тасаввурга эга бўлмас эканмиз, «коммунизм қурувчилари» аҳволига тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Кўпчиликка хуш келиб, баъзиларга ёқмаётган Туркистон тушунчаси бу аслида «умумий уйимиз»нинг номи, сифати. Шу важдан ҳам ғоядаги энг муҳим масала биз учун «умумий уй»дир. Шу маънода қуйидаги саволлар туғилиши табиий: бу уйнинг умумийлиги нималарда ўз аксини топади ва топган; унинг тарихи борми; хусусий томонлари-чи; унинг келажаги қандай; у ҳақдаги ички ва ташқи тушунчалар қандай ва ҳоказо.

Туркистон туркий халқлар ўлкаси мазмунини англатиши ўз-ўзидан тушунарли. Илмий адабиётларда Туркистон атамаси «илк бор 639 йилги ҳужжатда тилга олинади» қабилидаги таъкид бор. Албатта, бу ерда сўз Туркистон атамаси тилга олинган бизга маълум ҳужжатлардан энг кўҳнаси устида кетаяпти. Ҳали бизга номаълумлари ичида ундан ҳам қадимийлари қайси даврларга бориб тақалашини билмаймиз. Шу маънода III асрга тегишли тошга битилган «Туристон, Сакистон ва денгиз бўйларигача бўлган Ҳиндистон (ҳудудларини) бошқарган саклар подшоҳи» гувоҳлиги диққатни тортади. Сакистон ҳозирги Сейистон вилоятининг (Эрон жануби-шарқида ва Афғонистон жануби-ғарбида жойлашган) қадимги ва бирламчи номларидандир ва саклар яшайдиган юрт маънисини беради. Туристон эса турлар ўлкаси эканлиги кўриниб турибди. Энг қадимги замонларда эса бизнинг аждодларимиз худди шундай турлар, саклар ва яна бир қатор номлар билан машҳур бўлганлар. Шу муносабат билан ҳозирда маълум энг кўҳна ёзма манба «Авесто»нинг милоддан аввалги VII — VI асрларга, яъни бундан 2600 йилларча муқаддам даврга тўғри келадиган қисмидаги қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш жоиздир: **«Туронлик Фарён (хонадонининг) машҳур авлодларига адолат юз ўгирганда Ормайти (яъни Аҳура Мазда — А. З.) қудрати билан жаҳон рўшноликка чиққай».** Умуман, «Авесто»да тур, туронлик, туронликлар атамалари тез-тез учраб туради. Мазкур тур атамаси эса Туронга, турк ва Туркистонга асос бўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Баъзи бир олимлар Турон ва Туркистон атамалари (ва демак, воқелиги ҳам) бир-бирига боғлиқ эмас деган ақидани олға сурадилар. Ва бу борада бирон арзигулик асос — далил келтиролмайдилар. Мақсад эса битта: Турон — Туркистон ғоясини, аниқроғи шу ерда яшаб келган халқлар тарихий муштараклиги ғоясининг энг ўзак томирига болта уришдир. Тасаввур қилинг-а: Турон — Туркистон ғояси камида 2600 йиллик тарихга эга деган фикр нечоғлиқ қудратга эга. Ва аксинча: Турон ва Туркистон бошқа-бошқа тушунчалардир; ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар аждодлари бу ўлкага четдан кириб келганлар, 639-йилги ҳужжат ҳам бунга ишора дейиш эса қанчали ғайри илмий ва нечоғлиқ умумийлик, тарихий бирлик ғоясига зид. Биз нима учун тарихимизнинг бу масаласига катта эътибор билан қарамоқдамиз. Юқорида биз ғояни амалга оширишда бизни олдинда кутаётган қийинчиликларга ишора қилган эдик. Бу ҳақиқатан ҳам бор гап. Зеро, юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, «Ўзбекистон атрофида бўлаётган ҳар хил ўйинлар» Ўзбекистон кўтарган «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси атрофида ҳам бўлиши муқаррар. Зикр этилган ғайри илмий қарашлар шундай «ўйинчилар» учун дастак ва қалов бўлиши ҳеч гапмас.

Демак, «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини амалга оширишдаги бирламчи амалий йўналишлардан бири бу Туркистон халқлари тарихи ва ўтмиш маданиятининг турли соҳаларини энг қадимги замонлардан бошлаб ёритиб беришдир. Ҳам илмий (академик), ҳам оммабоп тарзда. Бу тадбирнинг амалий аҳамияти беқиёсдир. Чунки бу йўлда барча туркистонлик олимлар, илмий-ўқув марказлари биргалашиб ҳаракат қилишларига тўғри келади. Қайси соҳадаги бўлмасин, биргаликдаги ҳаракат умумийликка эришишнинг энг мақбул йўлимасми!

Туркистон халқлари тарихини ёритишнинг аҳамияти нечоғлиқ муҳимлигини шундан ҳам билиб олса бўладики, ўтган катта давр мобайнида халқларимиз бир неча бор сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатлардан яхлит маконда яшаган вақтлари бўлган. Масалан, Ашина сулоласи саъй-ҳаракатлари билан асос солинган Турк хоқонлиги даврини олайлик (VI — VII асрлар). Иш юришган пайтларда Қора денгиздан Тинч океанигача, Каспий денгизидан Буюк Хитой деворларигача бўлган улкан ҳудуд бирлашгани маълум. То шунгача майда-майда «хўжаликлар»га бўлиниб келган улуғ Туркистон бундан фақат ютган. Зеро, сиёсий жиҳатдан олганда ўша замон қудратли давлатлари ҳисобланмиш Византия, Эрон ва Хитой билан тенгма-тенг муносабатда бўлиш ва вақти келганда ўз раъйини ўтказиш имконига эга бўлинган. Иқтисодий томондан эса бугунги сўз билан айтганда жуда кенг ястанган «ягона иқтисодий макон»га эришилган. Бугун нефт ва умуман энергоресурслар давлатлараро муносабатларда қанчалик катта аҳамият касб этса, у пайтларда ипак ва ипак савдоси шундай мақомда эди. «Буюк ипак йўли»нинг асосий ва бошланғич қисми эса худди ана шу «ягона макон»дан ўтар ва юқорида таъкидланганидек, бирлашишдан ҳосил бўлган сиёсий қудрат эса халқаро ипак савдосида етакчи мавқени эгаллаш имконини берганди. Бундан шу умумий маконда яшаган халқларга наф бўлганми саволи туғилиши ўринли. Албатта, бўлган ва бунга далил сифатида холис гувоҳ — узоқ Хитойдан (яъни Буюк Хитой деворининг нариги тарафидан) йўлга чиқиб Туркистон орқали Ҳиндистонга сафар қилган хитойлик сайёҳ гувоҳликларини келтириш мумкин. Унинг ёзишича, то Амударёгача бўлган катта ҳудуддаги халқлар турмуши, тили, ёзуви маданияти, урф-одатлари умумий ва ўхшашдир. Болалар беш ёшга тўлганларидан бошлаб савод чиқаришга киришадилар. Савод чиқариш ўша вақтларда бошқа давлатларга қараганда Туркистонда анча кенг ривожланганлигини олимлар эътироф қиладилар. Демак саводхонлик ва табиий равишда илм-маданият ривожи орқали биз кўрилаётган даврдаги ижтимоий ҳаётни тасаввур қилишимиз мумкин.

Минтақа бирлигига эришиш кейинги сулолалар (масалан, сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, ануштегинийлар, темурийлар, шайбонийлар) даврларида ҳам бўлгани маълум. Чунончи, Амир Темур замонида Туркистон дунёнинг энг ривожланган минтақасига айланганлигини бугун ҳамма билади. Аммо бундай юксалиш замонлари қатор сабабларга кўра ўткинчи ҳолатларга айланиб келганини эслаш бизга ниҳоятда керак. Зеро, ўзаро аҳилликка зарба берувчи иллатларни, ҳатто улар тарихга алоқадор бўлсалар ҳам, билиб қўйганимиз яхши. Бундай иллатларнинг энг асосийси минтақанинг турли қисмларида шаклланган сиёсий бирлашмаларнинг ўз гуруҳий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, Туркистон заминини ўзаро қарама-қаршиликлар майдонига айлантириб қўйишдир. Ўзаро ноаҳилликнинг салбий қудрати шунчаларки, унинг таъсирида ўз вақтида жаҳонни ларзага солган темурийлар салтанати ё тилга олганимиз Турк хоқонлиги парчаланиб кетган. Энг ачинарлиси, бу иллатдан барча туркистонликлар учун эл бўлмайдиганлар, лекин шу билан бирга Туркистон имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилувчилар истифода этишлари ҳам турган гап. Узоққа бормайлик, «перестройка» йиллари «бўлинганлар устидан ҳукм юргизиш осон» усулидан келиб чиқиб амалга оширилган «Ибн Сино қайси миллатга тегишли» қабилидаги ихтироларни эслайлик. Ўшанда ўзбек ва тожик зиёлилари ҳар икки томон учун муҳим бўлган пахта яккаҳокимлиги, республикаларнинг хом ашё базаси ва тайёр маҳсулотлар бозори сифатида эзилиб келаётгани, миллий — маданий қадриятларни тиклаш ҳақида фикрлаш, биргаликда ҳаракат қилиш ўрнига, тагида ҳеч бир асос йўқ бундай «ихтиро»ларга жавоб топиш билан машғул бўлиб қолгандилар. Ваҳоланки, ўзбек билан тожик ўртасидаги яқинлик ва ўхшашлик шу даражадаки, уларнинг ҳар иккисида бор урф-одатлар, расм-русумлар масалан, қозоқ ё қирғизда йўқ. (Узоққа бормай аския жанрини олайлик). Ўзбеклар ва тожиклар орасида бир фарқ бор- у ҳам бўлса тил. Машҳур шарқшунос Б. Ғофуров таъкидлашича, замонавий тожик тили асосида VII — VIII асрларда минтақага жануби — ғарбдан кириб келган форс тили ётади. Яъни худди шу асрлардан бошлаб Туркистон аҳлининг бир қисми учун мазкур тил она тилига айлана бошлаган. Қолган ҳаммаси: ўтмиш тарих, анъаналар, маданият ва маънавият эскичасига умумий равишда қолаверган ва ҳозир ҳам шундай. Демак тожиклар билан Туркистоннинг бошқа халқларини ҳеч қачон ажратиб бўлмайди, улар бир ер фарзандларидир.

Туркистон халқлари умумий тарихидан оладиган сабоқларимиздан яна бири шундан иборатки, минтақанинг сиёсий, иқтисодий, маданий равнақида икки дарё оралиғидаги маконнинг рўли ниҳоятда катта бўлганки, бугун биз уни Ўзбекистон деб айтамиз. Баъзилар эътироз билдириб, бу ҳақда сўзлаш шартмикан дейишлари мумкин. Албатта шарт. Чунки биринчидан, бу тарихий воқеликдир; иккинчидан соғлом фикрловчиларнинг барчаси уни тан олади (ғояни амалга оширишда худди мана шу соғлом фикрловчилар асосий кучни ташкил қилиши шубҳасиз); ва учинчидан, бу воқелик имконларидан бугун ҳам умумманфаат йўлида фойдаланишимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, кўп минг йиллик давр ичида юз берган деярли барча сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишлар ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бошланиб, кейин бутун минтақани қамраб олган. Ва аксинча худди шу маконда таназзулга юз урилганда унинг салбий таъсири тамом Туркистон ҳаётида кўрилган. Агар шу кунларимизга яқин асрдан мисол келтирадиган бўлсак: XIX аср 60-70 йилларида Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Хоразмнинг, Россия томонидан бўйсундирилиши натижаси бутун Туркистонни забт этиш имконини берди. Минтақа узоқ йиллар давомида Россия империяси мустамлакасига айланиб қолди. Бу ҳол 1991 йил 31 августга қадар давом этди. Шу тарихий кунда Ўзбекистон биринчи бўлиб ўз давлат мустақиллигини эълон қилди. Ўйлаймизки, Ўзбекистоннинг бу қадами Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг ўз давлат мустақилликларини эълон қилишларида катта ўрнак ва далда бўлди. Ўша куни минбарга кўтарилган Тожикистон ҳукумати раҳбарларидан бирининг: Ўзбекистоннинг қайси йўлдан бориши биз учун намуна бўлиб хизмат қилади, қабилидаги сўзлари ҳануз эсимизда.

Ўзбекистоннинг Туркистон ҳаётидаги энг масъулиятли дамларни ўз бўйнига олганига оид мисоллар тарихда кўп. Юнонлик Александр, араблар босқинларига тўсқинлик қилиб шарқий ва шимолий ўлкаларни, Чингизхон тажовузига қарши туриб жанубий ва ғарбий минтақаларни маълум муддатга бўлса-да ҳавфдан сақлаб қолган ҳам шу икки дарё оралиғи бўлади. Ёки шу кунларимизни олайлик. Россия Марказий Осиё давлатларида икки гражданликни жорий қилишга кўп урингани маълум. Ҳатто бу борада Туркманистонда натижага ҳам эришди. Аммо Ўзбекистон катъий ва салоҳиятли равишда мазкур масалани қабул қилмади. Ўша пайтларда Қирғизистонда бўлган Ўзбекистон раҳбарига қирғиз мухбири кўпчилик ва ўз президенти ҳузурида икки гражданлик ҳақида савол бериб, ўзи кутган рад жавобини олгач, яъни бутун қирғиз аҳлига ва айниқса раҳбарлари, сиёсатчиларига жавоб қандай бўлиши кераклигини кўрсатгач, бу масалада иккиланиб турган Қирғизистон ва сўнг Қозоғистон ҳам икки гражданлик балосидан қутулдилар. Қирғизистон ва сўнг Қозоғистон шароитида эса икки гражданлик бу сиёсий мустақилликни маълум даражада йўқотиш билан баробар эканлигини назарда тутилса, Ўзбекистоннинг минтақада тутган нафақат тарихий, балки бугунги ўрни ҳам ойдинлашади.

Ўзбекистоннинг бундай мавқеини нафақат ўтмишда шаклланган анъаналар, балки унинг бугунги иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва албатта сиёсий имкониятлари билан белгиланади. Ҳақиқатан ҳам қазиб олувчи, ишлаб чиқарувчи саноат, энергоресурслар, илмий-техникавий имкониятлар, коммуникация, инфраструктура, меҳнат — демографик ресурслар нуқтайи назаридан олганда Ўзбекистон ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода Марказий Осиёнинг марказида туради. «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясини амалга ошириб боришда, ягона иқтисодий, маданий-маънавий маконни барпо этишда мазкур воқелик доимо назарда тутилиши лозим деб ўйлаймиз. Бу энг аввало биз ўзбекистонликларга тегишлидир. Бундай мавқе бизга қўшимча масъулият юклайди. Чунки юқорида тилга олинган потенциалимиз бизни ҳамиша кишилар кўз ўнгида тутиб туради, ана шу эътиборга яраша ҳаракат қилишимизга тўғри келади. Лекин бир ҳақиқатни ҳам назарда тутиш керакки, ғояни рўёбга чиқариш йўлида биродарлик, яқинлик, умумийликнинг ақл доирасидаги чегараларидан чиқиб бу борада ҳатто ўз манфаатларимизни ёддан чиқариб қўйиш даражасига борсак, у ҳолда ҳеч қачон кўзланган олийжаноб мақсадга етишолмаймиз. Чунки Ўзбекистон бор экан, у бардам ва мағрур экан, «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси яшайди ва уни амалга ошириш имконлари сақланиб қолаверади.

Шу мазмунда яна бир муҳим масалага диққатни жалб қилмаслик мумкин эмас. Биз олдимизга Ўзбекистонни буюк давлат мавқеига олиб чиқишни мақсад қилиб қўйганмиз. Фикримизча, юқоридаги барча фикрларни назарда тутган ҳолда қуйидаги хулосани қилишга асосимиз бор; туркистонликларнинг бахтли-саодатли яшаши учун инсоният тажрибасида бор барча шарт-шароитларни яратиб бериш. Демак, бизнинг кундалик амалий ҳаракатларимиз жамиятимизда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги жараёнлардан, ислоҳотларда, янгиликларда фаол ва салоҳиятли тарзда қатнашишдан иборат бўлади. Агар биз матбуот, телевидение, радио ва бошқа воситалардан фойдаланиб ана шу оддий ҳақиқатни оммалаштириб, кишиларимиз онгига қуйолмасак, у ҳолда бундан буён жамиятни руҳлантирадиган бошқа бир ғоя юзага чиқиши қийин бўлади. Чиққан ҳолда ҳам кишиларни унинг атрофида жам қилиш қийин кечади. Шулар ҳақида ўйланиб ҳам биз сарлавҳада келтирилган «Туркистон» — умумий ва ягона халоскоримиз» фикрига келдикки, бахтли ва фаровон яшашни барча туркистонликлар хоҳлайдилар ва шунинг учун ҳам шундай ҳаёт рамзи бўлмиш Туркистон ғояси умумийдир. Шу билан бирга дунёда бирон бир халқ йўққи, фаровон яшашни хоҳламаган бўлсин. Лекин турли сабабларга кўра улар бундай имкониятдан маҳрум. Биз туркистонликларда эса шундай имкониятлар бор: хоҳ иқтисодиёт ва фан — маданиятда, хоҳ сиёсатда. Ана шу ҳоҳишлар ва имкониятларни бирлаштирувчи ва уни катта қудратга айлантирувчи омил ҳам бор — бу Туркистон ғояси, яъни бизнинг иқтисодий, маданий-маънавий, тарихий бирлигимиз ғояси. Шунинг учун у ягонадир. Агар шуларни англаган ҳолда вақтида «отимизни қамчилаб қолсак» яқин ўнўн беш йилларда тараққиётнинг ҳатто тасаввур қилмаган даражасига етишиш имконига эга бўламиз. Аксинча: агар сустлик, салоҳиятсизлик, гумонсирашлик, маҳаллийчилик, гуруҳвозлик асирига айланиб қолсак, у ҳолда кимларнингдир қош-қовоғига қарам, ўртамиёна давлат даражасида қолиб кетамиз. Худди шунинг учун ҳам «Туркистон — умумий уйимиз» ғояси барчамиз учун боқимандалик, янгиликдан қўрқишлик, советпарастлик, миллий ғурурсизлик, ташаббуссизлик, тафаккурсизлик занжиридан қутқарувчи умумий халоскоримиздир.

Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

ДАВЛАТ ХАЛҚ БИЛАН КУЧЛИ

Мустақиллик қадим Ўзбекистоннинг янги ҳаётига ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини олиб кирди. Бугунги сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий ва иқтисодий турмушимизда илгари мисли кўрилмаган воқеалар рўй бермоқдаки, уларнинг ҳар бири том маънода тарихий деб баҳоланишга лойиқ. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ташкил топиб, фаолият бошлаши мана шундай миллий тарихимизда изини қолдирадиган самарабахш тарихий ҳодиса бўлиб қолиши шак-шубҳасиздир.

Миллий тикланиш ғояси, партия дастурида тўғри таъкидланганидек, миллатнинг ўзини англаши, миллий тафаккурга кенг йўл очиш, Ватаннинг асл моҳиятини ҳар томонлама шакллантириш, халқ эъзозлаган қадриятлар асосида миллий камолот йўлини белгилаш, кучли демократик давлат қуришда миллий-анъанавий омилларни қўллаш, миллатнинг илмий-техникавий салоҳиятини юксалтириш заминида фаровон ва озод истиқболни яратиш ғоясидир. Халқимиз асрлар давомида мана шу ғояга интилди, унинг рўёбга чиқиши учун кураш майдонларида собит турди.

Биз муқаддас ва эзгу ғоя атрофида бирлашган барча инсонларни янги партиянинг ташкил этилгани билан қутлаймиз, уларга миллий манфаатлар заминида бунёд бўладиган кучли давлат ва адолатли жамият барпо этишда куч-қувват, сабр ва мардоналик тилаймиз. Ишонамизки, партия ўз аъзоларининг бутун фаолиятини миллат ва халқнинг бахт-саодат ҳақидаги асрий орзу-армонлари намоён бўладиган Ватан истиқболини яратишга йўналтиради.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази

ЭЗГУ ҒОЯЛАР ЕТАГИДА

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон халқининг фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг фан ва маданиятини юксалтириш саъй-ҳаракатида бўлмоқлик ҳам Миллий тикланиш демократик партиясининг асосий мақсадлари сирасига киради.

Партия ўз олдига яна қуйидаги вазифаларни ҳам қўяди. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, шу асосда унинг иқтисодий ва маданий ривожини таъминлаш. Ўзбекистон чегараларининг дахлсизлиги; республиканинг мудофаа салоҳиятини оширишга қаратилган тадбирларда иштирок этиш;

Ўзбекистонда жамият ҳаётини уюштиришда Қонуннинг устиворлиги, давлатнинг ислоҳотчилик фаолияти, ислоҳотларнинг аста-секин, қадам-бақадам амалга оширилиши, аҳолини ижтимоий жиҳатдан таъминлаб бормоқнинг бош ўрин тутишига оид қоидаларнинг ижросида партия фаол қатнашади;

Ўзбекистонда мулк шакллари хилма-хилдир. Давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлашни ўз бўйнига олган. Партия мулк ва мулкдорлик тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайди.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа заҳиралар умуммиллий бойликдир. Партия ана шу борада конституцион принципларнинг изчил бажарилишини диққат марказида тутади.

Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш шакллари ерда меҳнат қилувчиларнинг ҳоҳишига кўра уюштирилмоғи керак.

Кишиларнинг энг асосий ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқни амалга оширишда ҳамда соғлом авлодни тарбиялаб етиштиришда тиббий хизматнинг аҳамияти улкан. Халқ сиҳатсаломатлигини асрашда тиб соҳасидаги мутахассисларнинг хизматлари ўз қадру қийматига яраша баҳоланмоғи керак. Ҳар бир жамият аъзосининг эса тиб хизматидан ҳамиша ва бемалол фойдаланмоғи учун барча шароит туғдирилмоғи шарт.

Биз оналарга ва оналикка бўлган баланд эъзозни тикламоқ йўлидан борамиз. Оналарнинг оила ишлари ва бола тарбияси соҳасида хизматининг юксак баҳоланишига эришишни ўзимизга мақсад қилиб олганмиз.

* * *

Азалдан халқимиз илм ва олимларни улуғлаган.

Кими ким қилса олимларға таъзим
Қилур гўёки пайғамбарға таъзим.
(Навоий)

Кўрар кўзларни нури илмдандур
Кўнгулларнинг сурури илмдандур.
(Фурқат)

«Илм ўрганмоқ ҳар бир мусулмон ва мусулмон аёл учун фарздир» (Ҳадис).

Миллий тикланиш демократик партияси илм-фанга ана шундай муносабатни тиклаш ниятидадир. Илм-фаннинг қадру қимматини умумий мадҳиялар билан кўтариб бўлмайди. Илм-фаннинг қадру қимматини унинг маҳсулларидан ҳамиша кишиларни баҳраманд этмоқ орқалигина кўтармоқ мумкин.

Ўзбекистон буюк илмий салоҳиятга эга. Олимларимизнинг илмий кашфиётлари салмоқли ва етарли. Аммо бу кашфиётларни ишлаб чиқаришга жорий этмоқ суст. Хорижий технологияга қизиқиш эса зўр. Фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантирмоқ, фан ютуқларини тезроқ ва дадил ҳаётга татбиқ этмоқ керак. Бу ишда маъмурий тўсиқларни олиб ташламоқ керак.

Олий таълим ислоҳотга муҳтож. Олий таълимни ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқмоқ зарур. Энг асосий масала олий таълимга уни эгалламоқни ният қилган ёшларнинг кириб келмоғи учун барча имкониятларни яратмоқдан иборат.

Ўрта махсус таълим, профессионал техник таълим ва умумий ўрта мактаб ўртасидаги алоқалар, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини кучайтирмоқ, таълим изчиллигини таъминламоқ керак. Ёш авлодга билим бериш ва уларнинг онгини шакллантиришда Ўзбекистон давлатининг монополиясини ҳеч қачон қўлдан бермоқ керак эмас.

Ёшларга билим бермоқ ва тарбияламоқ ўқитувчининг қўлида. Азалдан ўқитувчи, устоз халқнинг энг муҳтарам кишиси бўлиб келган. Ўқитувчининг жамият ҳаётидаги мавқеъини тикламоқ, уни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қувватламоқни партия ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади.

Ёш авлодни билимли қилмоқ учун ёзув маданияти ва тил маданияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунинг учун ёзувни ўзгартиришда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, давлат тили мақомини эса обрўлантирмоқ зарур.

Ёш авлодни халқимиз тарихида ишлатилган барча ёзувларга ўргатиб, бу ёзувлардаги беҳад катта маънавий бойликлардан истифода этмоққа тайёрлаш лозим.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини кучайтириш мақсадида ёш авлодга ва бошқа тил ўрганувчиларга тил ўргатишни жиддий йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шу муассасаларда хорижий тилларни ҳам интенсив ўргатмоқ мумкин.

Болалар муассасалари тармоғини кенгайтириш, ўқувчиларни соғломлаштириш ишларини уюштиришга партия катта аҳамият бера боради.

Партия ўз сафига ёш авлод вакилларини фаол тортади. Шу мақсадда ёш партия аъзоларининг ўз ташкилотларини тузмоқ масаласини ҳам кўриб чиқади.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуриш ишига бел боғлаган ҳар бир киши учун биз маънавий такомил сари интилмоқ шарт деб биламиз. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик; таъмагирликдан ҳазар қилиш, ҳалол меҳнат эвазига олган ҳақ билан тирикчилик қилиш ва болаларини таъминлаш; ота ва онани эъзозлаш, каттага ҳурмат, кичикка шафқат; ҳаёт ва инсон гўзаллигини севиш ва баланд тутиш, озодалик, табиатни муҳофаза этмоқ каби фазилатлар шулар жумласидандир. Юксак инсоний фазилатларга эга шахсларгина ўз халқи ва мамлакатининг қадрини юксакликка кўтара оладилар.

Бундай олижаноб сифатларни тарбиялашда бадиий ижод эгаларининг ўрни алоҳида ажралиб туради.

Сўз сеҳри, куйлар жозибаси, ранглар товланиши, мармар ҳуснидорлиги, бинолар улуғворлигида инсон қалбининг энг нафис туйғулари ўз аксини топади. Саҳна ва экран усталарининг пурэҳтирос ижоди; радио, телевидение, матбуот соҳасининг моҳир ижодкорлари; китоб яратув усталари, маданият даргоҳлари ва кино тармоқларининг толмас жонкуярлари шу мақсадда вазифанинг ижроси учун ўз қобилият ва меҳнатларини бағишлаганлар. Биз уларнинг эркин ва самарали ижоди учун лозим шароит бунёд этмоқ ҳаракатида бўламиз. Уларнинг ижод маҳсуллари Ўзбекистон халқи учун хизмат қилмоғига астойдил интиламиз. Уларнинг ижодий эркинлиги ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз.

Партия динга ва диндорларга ҳурмат билан қарайди, улар билан ҳамкорлик қилади. Диндор бўлмаган соф ниятли кишилар билан ҳам худди шундай муносабатда бўлади.

Биз барча миллатлар ва элатларнинг Конституция белгилаб қўйган ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз; уларнинг миллий тикланишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширамиз.

Ўзбекистон тараққиётини таъминлашга қаратилган ишларда республикадаги барча жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қиламиз.

Ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Ўзбекистон давлатининг миллий манфаатларига мос сиёсатни амалга оширади. Партия хорижий мамлакатларда яшовчи ватандошлар билан алоқа ўрнатиб уларнинг маданий ва маънавий ўсишига ёрдам беради. Хорижий ўлкалардаги тинчликсевар, демократик партиялар билан ҳамкорлик қилади. Бутун дунёда тинчлик, биродарлик, дўстона муносабатлар ва халқлар аро хайрихоҳликни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни амалга оширади.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси парламент типидаги партия. Унинг ижтимоий замири ижодий ва илмий техник зиёлилар, маориф ва маданият аҳли. Шу билан аҳолининг барча қатламларига эшигимиз доим очиқ. Бу партия Ўзбекистон Конституцияси доирасида иш тутади. Ўз таклиф ва режаларини Конституция томонидан белгилаб қўйилган қоидаларга суяниб амалга оширади.

Партия Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлаш, унинг порлоқ истиқболини қуриш йўлида ҳормай-толмай фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон республикасининг 18 ёшга етган, партия низоми ва дастурини тан олган, унга аъзолик бадалини тўлаб бормоққа рози бўлган ҳар бир фуқароси партия аъзоси бўлмоғи мумкин.

Партия ўз сиёсий фаолиятини Ўзбекистон давлат ҳокимиятидаги ўз вакиллари орқали амалга оширади.

Партиянинг қуйи органлари мустақил фаолият кўрсатадилар. Партия ташкилотлари жамоатчилик асосида иш олиб боради.

Бошланғич ташкилотлар камида 5 та аъзо бўлганда тузилади. Уларнинг юқори органи умумий мажлисдир.

Партия ўз рамзларига эга бўлади. Партиянинг мулки аъзолик бадаллари хайрия ва партия ташкилотларининг даромадлари асосида шаклланади. Партия ўз хўжалик фаолиятларини уюштирмоғи мумкин.

Партия ўз фаолиятини Қурултой қарори асосида тўхтатмоғи мумкин.

ҲАЁТ ОДАМЛАРГА НАШЪАЛИДИР

Авлодлар сафга турар...

УФҚИ КЕНГ ИЖОД

Саид Аҳмад 60 йилдан бери ижод қилади. У дастлаб рассом сифатида қалам тортиб, юрти ва юртдошлари суратини чиза бошлади. У мўйқаламни кейинчалик ҳам қўлдан қўймади, чунончи, қатағон йилларида, қамоқ лагерларида умри кечганда сурат чизиш билан машғул бўлганлигини, унинг шогирди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов «Шарқ юлдузи»да чоп этилган суҳбатида батафсил баён қилган.

Саид Аҳмад асосан икки жанрда — наср ва драматургияда самарали ижод қилди. Унинг «Уфқ», «Қирқ беш кун», «Жимжитлик» романлари, қисса ва ҳикоялари ёзилган, чоп этилган кунлардан то ҳозирги давргача китобхон томонидан севиб ўқилиб келди. Адибнинг насрий асарлари қайта-қайта нашр этилди, лекин у бу жараёнда қўлёзмаларга ҳеч қанақа тахрир киритмайди, сабабки унинг роман, қисса, ҳикояларида даврга хос сиёсий ўзгартиришларнинг, ғоявий йўналишларнинг асорати йўқ. Ижоди учун ҳаққонийликни бош мезон қилиб олган адиб қаламини давр шамолига қараб йўналтирмайди, аксинча ҳаёт ва давр ҳақиқатини ўз ижоди учун бош мезон қилиб олганки, у бошига қилич келса ҳам ўзи учун танлаган тўғри йўлидан — ҳаёт ҳақиқатидан асло чекинмайди. Чунончи, адибнинг юбилейига унинг «Уфқ» трилогияси қайта нашр этилганда асар матнига мутлақо қалам теккизилгани йўқ.

Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» ва «Куёв» комедиялари ўзбек миллий адабиётида, театр ва кино санъатида катта воқеа бўлди. «Келинлар қўзғолони» фақат ўзбек, қозоқ, уйғур, туркман ва бошқа яқин давлатларнинг театр саҳналаридагина эмас, Осиё ва Европадаги бир қанча йирик ойтахтларнинг театрларида ҳам муваффақиятли ўйналди. Бунга асарда оддий ва адабий халқчил ғоялар тараннум этилганлиги, асл инсоний қадриятлар юксак қадрланганги сабаб бўлди. Бинобарин, Саид Аҳмадона такрорланмас ҳаётбахш кулги турли миллат ва турли элат томошабинларини мафтун этди.

Адибнинг юбилейи арафасида унинг бир гуруҳ дўстлари — Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов ва мен ёзувчига ҳамроҳ бўлиб Фарғона водийси бўйлаб ижодий учрашувлар ўтказдик. Бир ҳафта давомида ҳар кун икки-уч ерда китобхонлар билан баҳслар, мулоқоту адабий кечалар бўлиб ўтди. Саид Аҳмаднинг китобини ўқимаган, томошасини кўрмаган, ҳанда-ю ҳангомаларидан баҳраманд бўлмаган, умуман унинг ижодига лоқайд қараган биронта одам учрамади. Театр заллари ҳозиргина қиздирилган чирмандадай жаранглаб турди, Ёзёвоннинг кенг далаларида кулги-қаҳқаҳалар олис-олислардан акс садо берди, шийпонлардаги суҳбатлар қанча чўзилмасин, ҳеч ким чарчамади, аксинча, одамлар адиб суҳбатига тўймай қолдилар.

Фарғона Давлат университетининг Илмий кенгаши Саид Аҳмадга профессорлик илмий даражасини берди. Илмий кенгаш қарорида адибнинг Катта Фарғона канали қурилиши ва Ёзёвон чўлларини ўзлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдаги хизматлари ҳам қайд этилган. Ажабо, ўзбек адибининг бадиий ижоди илмий кашфиёт билан тенглаштирилибди!

Узоқни кўра билиш ҳаётбахш ижод ва ҳақиқатпараст ижодкорнинг гўзал фазилатидир. Саид Аҳмаднинг водийдаги умумхалқ қурилишлари ва бунинг бош қаҳрамони — халқ ҳақидаги шоҳ асари — «Уфқ» трилогияси ўз вақтида Давлат мукофотига сазовор бўлганидай, эндиликда авлодларга ҳаёт ҳақиқати ва илмий ҳақиқатнинг тимсоли сифатида хизмат қилмоқда.

Саид Аҳмад бадиий ижодда мактаб яратган, адабиётимизда кўплаб шогирдлар етиштирган устоз адибдир. Биз янги адабиётимизда мактаб яратган Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар билан фахрланамиз. Улар дунёдан ўтиб кетдилар, аммо янги ижодкорлар ҳамон ўз устозлари билан фахрланадилар, улар мактабига мансубликларини иқрор этадилар. Саид Аҳмад ҳам Ғафур Ғулом ва АбдуллаҚаҳҳор ижодхонасида таҳсил кўрган адибдир. Айни вақтда бу бағри кенг адибнинг ўз мактаби, ўз дарсхонаси мавжуд. Шу сабабдан ҳам унинг юбилейи янги ўзбек насри ва драматургиясининг, мустақил давлатимиз реалистик адабиёти ва санъатининг байрамидир.

Мен қурдошим ва қаламдошим Саид Аҳмадни улуғ ёши билан ижодининг камоли билан чин дилдан муборакбод этаман.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Саид Аҳмад рафиқаси Саида Зуннунова билан. 1970-йиллар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармони билан ёзувчи Саид Аҳмад ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги ҳалол хизматлари, ижтимоий ҳаётда фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Адибни минг-минглаб мухлислари, сафдошлари, дўстлари номидан чин юракдан қутлаймиз!

ХАЛҚ ҚАД РОСТЛАШНИ ИСТАЙДИ

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор

Бугун ҳаммамиз муҳим воқеанинг жонли гувоҳи бўлиб турибмиз. Зеро, Миллий тикланиш демократик партияси ташкил этилганлиги республика ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Маълумки шу пайтгача зиёли вакиллари якка ҳолда ва баҳоли қудрат мустақиллик манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиб келмоқда эдилар. Эндиликда янги партиянинг тузилиши тарқоқ ҳолда иш юритаётган зиёлиларнинг бир жамоага бирлашиш ва ҳамжиҳатлик билан иш юритиш имконини туғдиради. Менимча, партиянинг мақсади ва вазифасини йўналтирувчи шиори қўйидаги тарзда баён этилиши лозим: Партия аъзолари «Буюк ўтмишимизни қадрлайди ва буюк келажагимиз учун курашади».

Буни амалга оширмоқ учун қайси йўлдан борилади?

Менинг фикримча, партия фаолиятида асосан сиёсий ва маънавий масалалар ўрин эгаллаши мақсадга мувофиқдир. Бу ўзаро узвий боғланган ва бир-бирини тўлдирувчи икки йўналиш халқнинг ўз-ўзини англаши, миллий ҳис туйғулари ва ватанпарварликни кучайтиришда сув билан ҳаводек зарур. Шундагина 130 йиллик мустамлакачилик ва миллий зулм исканжасида орттирилган қул табиатлик, бепарволик, ва кўр-кўрона итоатқорлик ва умуман коммунистик ғояларнинг асоратлари тамомила қўпориб ташланади. Худди мана шунда ҳам миллий тикланиш маъносини англаш керак.

Овропа донишмандларидан бири Августин — «Агар ғафлатда яшаётган халқни уйғотмоқчи бўлсанг, тарихини тарғибот қилиш лозим» деган экан. Бу гапда жон бор, албатта.

Шу боис партия ватанимизда чуқур тарихий даврларданоқ юзага келган қудратли давлатлар, уларнинг улкан фан ва маданият ютуқларини кенг қўламда ўрганиш ҳамда оммалаштиришга даъват этиш керак. Бой ўтмиш тарихимизни кишилар онгига сингдириш билан ҳам «миллий тикланиш»га эришилади, деб ўйлайман. Айни бир пайтда шу куннинг ва келажакнинг маънавий ҳаётини таъминлаш муҳим вазифадир. Сиёсий соҳада эса Ўзбекистон мустақиллигини, ички ва ташқи сиёсатни қаттиқ ҳимоя қилиш партияга ҳам қарз, ҳам фарздир. Бошқачароқ айтганда, жамоа аҳлининг сиёсий фаолиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилади. Партиянинг дастурида ҳокимиятга муносабат ҳақида аниқ фикр билдирилмаган. Бу хусусда мен шундай ўйлайман: мустақил давлатимиз эндигина тўрт ёшга тўлмоқда. Бинобарин, бундай ёшда барча кишилар уларни меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиб ёмон кўзлардан асрайди ва эҳтиёт қилади. Шунга ўхшаш ҳокимиятимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз ва уни мансабпарастлик иллатларидан халос этишимиз шарт. Акс ҳолда ҳокимиятни жанг майдонига айлантириш мустақиллигимизни барбод бўлишига олиб келиши турган гап. Бунга тарихимизда мисоллар кўп. Чунончи Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари 350 йил мобайнида тахт талашиб шундай тинимсиз курашдиларки, пировардида Туркистон ўлкаси ўз мустақиллигидан маҳрум бўлди.

Кези келганда айтиб ўтиш лозимки, аввало у ёки бу партия куч-қувватга тўлиб халқ уни хизматларини ва ҳокимиятни бошқаришга қодирлигини тан олсин, сўнгра ҳокимиятни ўйласа, ўринли бўлади. Бордию ҳозирги айрим бир гуруҳ кишиларга ўхшаб «ялангоч сувдан тоймас» — дейилганидек ҳокимият учун курашни мақсад қилиб қўйилса, фожиа юз беришини бошқа республикалар мисолида кўриб турибмиз.

Аслида демократик нуқтаи назардан ҳокимият учун курашнинг маъноси шундан иборатки, давлат халқникидир. Мана шу халқ сайлов йўли билан партияларни фаолиятига ва обрў-эътиборига қараб ҳокимиятни улар қўлига ишониб топширади. Бордию ҳали ўзи етилмаган ва халқ учун арзигулик иш қилолмаган партия вакиллари ҳокимиятга даъвогар сифатида ишни бошласалар, яхшиликка олиб келмайди. Чунки бундай қилиш мансабпарастлик, манманлик ва бузғунчилик сингари иллатларни авж олдириб, жамиятни парокандаликка, тўқнашувга учратади.

Хуллас, «Тарих келажакнинг кўзгуси» — деган нақл бор. Биз тарихдан сабоқ олган ҳолда халқни ҳокимият атрофига янада қаттиқ жипслаштиришни, миллати ва динидан қатъий назар барча кишиларни ўзаро ҳамжиҳатлигини ва самарали ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилишимиз керак. Бунга эришишнинг бирдан-бир йўли жамиятнинг сиёсий фаолиятини ва маънавий ҳаёти жўшқинлигини таъминлашдан иборатдир.

Умуман, Дастурда амалга ошириш мумкин бўлган реал масалаларга эътибор берилса, партиянинг обрўйига путур етказилмаган бўлар эди. Ҳозирда партия фаолиятининг биринчи босқичида сиёсий ва маънавий ҳаётга таллуқли масалаларга эътибор берилиши фойдадан холи бўлмас эди.

Сўз охирида шуни айтиб ўтмоқчиманки, кўз ўнгимизда тузилаётган партия зиёлиларимиз учун шарафли бўлиши билан бирга катта синов ҳамдир. Зеро, биз шундай улуғ ғояли партияни эплай оламизми ёки эскича лоқайдлик ва бепарволик билан иш юритиб, «қизариб» қоламизми?

Ўйлайманки, мустақилликнинг тикланишида фаол қатнашган зиёлиларимиз бу гал ҳам синовдан яхши ўтиб, партияни юксак даражага кўтаришга қодирдир.

ТУРКИСТОН — ЯГОНА ОИЛА

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида бугун анчагина маълумотга эга бўлдик. У ҳақда қатор мақолалар, рисолалар чоп этилди. Бу қалбидарё инсонга эътибор кучайди. Айниқса, шу йил унинг 120 йиллиги нишонланаётгани юқоридаги фикримизга яна бир далилдир. Беҳбудийга эътибор кучайганлигининг асосий сабаби, мустақиллик учун кураш олиб борган боболар номини айтиб ўтишгина эмас, балки уларнинг ғояларини рўёбга чиқариш ҳамдир. Айниқса, Миллий тикланиш партиясининг дастурида Беҳбудий каби жадид боболаримизнинг ғояларига ҳамоҳанг мақсадлар борлиги қувонарли ҳолдир.

Беҳбудий исломни чуқур билган уламолардан эди. Шундай бўлса-да, у дунёни бир бутун тушунган инсон бўлганлигини ёзиб қолдирган асарларидан билишимиз мумкин. Хусусан, ундаги бу хислатлардан бирини «Қозоқ биродарларимизга очиқ хат» мақоласида кузатиш мумкин. Катта империялар исканжасида қолиб кетмаслик учун, ҳатто исломда яхши гап билан тилга олинмайдиган шахс—Чингизхоннинг ўгитини ёдга солади. У мозийдан ибрат излайди. Бундай умуминсоний хислат боболарга ҳурматдан келиб чиқади ва бундай инсон бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Мақолада айни кунда долзарб бўлиб қолган, хусусан Ўзбекистон Президенти томонидан кўтарилган Туркистон бирлиги масаласи кўтарилган. Давр тақозоси бу бирликнинг ҳуқуқий жиҳатдан ўхшаш бўлолмаслигини кўрсатса-да, ғоявий маъносида ўша-ўшадир. Мақолани ўқисангиз, янада кенгроқ маънолар уқасиз.

Ҳалим САЙИД

Муфти Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

ЭРКИНЛИК ОЛИНУР

ҚОЗОҚ ҚАРИНДОШЛАРИМИЗҒА ОЧИҚ ХАТ

Азиз қариндошларим! Мусулмон биродарлар! Ҳаммангизга маълумдурки, Туркистон, демак — туркий эл бўлиб, мундаги халқнинг қозоғи, қирғизи, сарти, ўзбеги, туркмани, татари ҳаммаси аслан... жаҳонгир... Темурнинг авлоди ёки оға-инисидурлар. Туркистондаги араб, хўжа ва сайидларда ўз тилларини йўқотиб, балки билқулли турклашиб ва ҳатто арабликларини эсларидан чиқориб... ҳар жиҳатдан бирлашиб кетгандурлар. Туркистоннинг энг оз шаҳарларида ва баъзи тоғларида бир оз форс, яъни тожиклар борки, алар ҳам камолан мусулмон ва сиз ила ҳаммазҳабдурлар. Тирикчиликларининг ўзбеклардан фарқи йўқ даражададур.

Баурлар! Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун «мухторият» эълон қилинди ва сиз билингки, «ҳақ олинур, берилмас». Инчинун, мухторият-да олинур, берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олур. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлиқ қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухториятни йўлига сайъ қилмасак албатта ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар, бул албатта шундайдур ва бул сўзни ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур.

Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, сарт, араб, форс, хулоса Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига сайъ ва ҳиммат этмоғимиз албатта керакдур. Агарда бизга ўз бошимизга, шариат урф ва одатимизга мувофиқ тирикчилик қилмоқ керак бўлса ҳаммамиз вақтли низоъ ва «манман»лиқни қўйиб ҳамма нарсани эсимиздан чиқориб, ёлғуз «мухторият» учун ҳар нимарсамизни фидо этмоғимиз лозимдур. Мундай фурсат ва замоннинг бизга қайтиб келиши маълум йўқ, қадрини билиб ишламоқ керакдур. Вақт ўтгандан сўнгра ўкинмоқ фойда этмас.

Шуни-да билингки, қозоқ ўз бошига, шаҳар халқи ва атрофи ўз бошига ойрилиб, бошқа-бошқа мухторият қилмоқчи бўлганда иккиси ҳам муддаоға етмайдур. Сиз, қозоқ қариндошларимиз ори чўлдасиз, аммо сиздан бир кўп, халқлар ҳам шаҳарларда ва шаҳарлар теварагиндадур. Тирикчилик шундай нимарсаки чўл ила шаҳар ва қишлоқ халқини бир-бирига боғлагандир. Бир-биридан ажралиб яшаёлмайдур. Шаҳар халқи ила бирлашиб мухториятни бошқарганда сизларга зарар келмай, балки фойда келур.

Мухториятни бошқармоқ учун ёлғуз сизда кифоят этмаганингиз каби, ёлғуз шаҳар ва атрофидаги халойиқ ҳам кифоят эмас, балки иккингизда кераксиз. Шуни-да билингки, сизлар турғун халқ ила бирлашиб мухторият қилган ила сиз ила турғун халқ учун биргина навъ қонун бўлмай, балки сизнинг тирикчилик ва одатингизга мувофиқ алоҳида сиз учун нафълик қонунлар ёзилур. Шариат ҳам кўчма ва чўл мусулмонларининг урф ва одатларига кенглик берғондир. Сиз ўйламангки, турғун халқи ва ё шариати бизни қисадур. Йўқ, билъакс, сизга кераклик одатларингизни сизга қолдириб, сиз учун сизнинг зиёли вакилларингиз қонунлар тузайдурлар. Тоғ ва шаҳар халқлари учун-да бошқа-бошқа қонунлар тузалур.

Ҳатто Туркистондаги баъзи уезд ва шаҳарлар учун алоҳида қонунлар тузалур. Ва учунки, ҳамманинг тирикчилиги бир эмасдур. Яҳудий ва христианлар учун-да бошқа қонунлар туза олур. Ҳар бир халқнинг одат ва мазҳабига риоя қилинур. Хулоса: мухториятни миллат мажлиси ҳар бир халқнинг нафъини кўзда тутуб қонун чиқарар. Агарда сиз қозоқ биродарлар турғун халқдан ажралиб ўзга мухторият қилурмиз десангиз, мундан сиз-да ва турғун халқ-да зарар кўрар ва эҳтимолки, иккингиз-да мухториятдан насиб бўлмас, азбаски куч таралур.

Бобокалонларимизнинг машҳур насиҳати бор, у ўз ўғулларига қилиб эдики, бирлашингиз. Масалан бир даста таёқни бирга боғласангиз, кимса синдиролмас. Агарда ажратсангиз, бирин-бирин ҳар ким синдурар. Мана, бобонгизнинг бўйруғи.

Чироғларим! бошқа халқлар, масалан: серблар, италянлар, арманилар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар. Бошқа катта ва қувватлик давлатларга тобеъ бўлуб ютулиб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқга жон ва кучларини сарф этар эканлар. Биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак, уятдир, ахмоқликдир. Турк томуриға болта урмоқликдур.

Онгли қозоқлар ўйласинлар, тарихга қарасинлар, зиёли қозоқлар, Овропанинг ихтилоф солиб миллатларни ажратмоқ сиёсатига ва икки юзлигиға қарасунлар эди. Бирлашгон Туркистон халқининг бўлунмоқиға ўзимиз сабаб бўлмасак эди. Барча ихтилофчилар ва бошқаларда албатта зарар кўрарлар ва алар ила баробар татарлар-да, биз-да мундан зарар кўрурмиз ва ихтилофимизнинг жазосини тортармиз. У кунларимиза йиғлармиз, аммо фойда этмас.

Чироғларим, бирлашайлик! Кўрасиз, бу кунги русларда бирлашмоқдадурлар. Энди бирлашмоқ замонидир. Агарда сиз айрилсангиз туркман қариндошларда айрилса, Туркистон турклари уч ерга бўлиниб кетар ва барчаға мухториятдан насиба чиқмай қолур. Еттисувдаги мусулмон қариндошларга ҳам айтатурғон сўзим шулдур.

Ондаги христианларга келгунча алар билсунларки, Еттисувда кўп бўлсалар-да бутун теваракларини мусулмонлар айлантириб олгон ва аларнинг-да бизнинг мухториятга қўшилмоқлари албатта ўзлари учун лозим бўлгонидек, Туркистоннинг бошқа жойларидаги руслар учунда фойдаликдур. Чунончи, алар қўшилса, миллат мажлисинда рус аъзолари кўпайур. Бизнинг мухториятимиз жорий бўлгондан сўнгра, Еттисув русларининг қўшулмасликлари асло мумкин эмасдур.

Ёлғуз сиз ила биз эмас, бутун Руссия мусулмонларининг бирлашмоқлари шаръан ва ақлан фарздур.

«Оллоҳнинг инига бирлашингиз ва тарқалиб кетмангиз» тангрининг сўзидур. Бошқа газеталарнинг кўчирмакларида ражо ўлинур.

Самарқанд
«Ҳуррият» газетаси, 1918 йил, 26 январ
Нормурод АВАЗОВ тайёрлади

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИКЛАНАДИ

Истиқлолимизнинг энг қимматли ва аниқ кўзга кўриниб турган меваларидан бири — маънавий қадриятларимизнинг тикланаётгани, халқимизнинг ўзлигини англаб етаётганидир. Тасаввур қилинг: бундан ўн йил аввал гдлянчилар бошлаган навбатдаги қатағон туфайли ҳе йўқ, бе йўқ 15 йилга «кетган» бегуноҳ бир бечора, агар Ўзбекистон мустақилликка эришмаса, Президентимизнинг жасорати бўлмаса, ҳали-ҳануз Россия ўрмонлари ёки Қозоғистон чўлларида азоб чекиб юрган бўлармиди? Шундай бўлиши ҳеч гап эмасди. Ёки бундан беш-ўн йил илгари сохибқирон Амир Темурга Тошкент марказида ҳайкал қўйилади, Темур номида метро станцияси бўлади, десангиз, ким ишонарди. Ёки тасаввур қилинг: Худо кўрсатмасин, қандайдир Аҳмадполвон деган саркарда пайдо бўлса-ю, Москвадаги Спасская Башняга замбаракдан ўқ узиб шикастлантирса ва бунинг эвазига Қизил майдонга туташ кўча Аҳмадполвон номи билан аталса-да, майдонга ўша саркарданинг ҳайкали ўрнатиб қўйилса, ўта адолатсизлик бўлармиди? Шубҳасиз! Аммо бизда шундай бўлган. Бухорони, тарихий обида Минораи Калонни замбаракдан ўқ узиб шикастлантирган саркарда Фрунзе ҳайкали худди шу обида тагида, Лаби ҳовуз бўйида неча йиллар «савлат тўкиб» турди. Шу ердаги кўча шу одам номи билан аталди.

Ўзбекистон Истиқлоли рўй берса, қадриятларимиз тикланиб, тарихий адолат рўёбга чиқиши учун шароит яратилмаса, биз қачондир ота-боболаримизни қиргин қилган, удумларимизни камситганлар қаршисида таъзим қилиб келаверган бўлардик. Мустақилликнинг энг буюк неъмати, менимча, аввало, ўзимизни англаб етаётганимиздадир. Миллий тикланиш демократик партиясининг энг асосий ва нурли нияти ҳам шу. Миллий тикланиш деганда, фақат маҳаллий миллат, яъни ўзбек миллатининг қадриятларини тушуниш керак эмас. Ўзбек халқи ҳамиша бағри кенг бўлган. Бу заминда ҳеч қандай миллат камситилган эмас. Миллий тикланиш деганда Ўзбекистонда яшайдиган барча миллат ва элатларнинг миллий қадриятларини тушунмоқ тўғри бўлади. Муҳими, ҳамюртларимизнинг ҳаммаси, миллати, диний эътиқоди, тилидан қатъий назар, шу замин меники ва мен унинг фарзандиман деса, лозим бўлса, шу юрт учун фидойилик қилишга тайёр бўлса бас.

Миллий тикланиш демократик партияси ўз сафига кўплаб муҳаббатли, фидойи инсонларни жипслаштириши, мамлакатимиз мустақиллиги йўлида, эртанги ёруғ келажагимиз йўлида катта хизматлар қилишига ишонаман.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташаббускор гуруҳининг аъзоси

БИЗ УМИД ҚИЛАМИЗ

Ҳар қандай мамлакатнинг моддий-техникавий тараққиёти, фаровонлиги шу мамлакатда сарфланадиган ёқилғи ва электр энергиясининг ҳажмига чамбарчас боғлиқ экани аллақачонлар исботланган. Ватан ва миллатнинг маънавий камолатини, руҳий қувватини, маданий савиясини бўлса шу юртда яшаётган зиёли инсонларнинг тафаккур кучи, фикр шиддати, ақл энергияси белгилайди. Маънавиятсиз миллат шаклланмайди. Илдизи маънавиятдан сув ичаётган миллатни эса маҳв этиш мумкин эмас!

Бугун, қулоғига истиқлол ва мустақиллик тушунчалари қўшиб азон айтилган эркин юртимиз тўрт ёшга қадам қўймоқда. Шу муддат ичида унинг жисми ўсди, мустақил қадам босишга ўтди, она тилида бийрон-бийрон сўзлашга ўрганди, теварак-атрофни кузата бошлади. Энди унинг қўлига муборак китобларни тутмоқ, миллат алифбосини ўргатмоқ, аждодларининг ким эканини онгига аста-секин жойламоқ мавриди етишди.

Мана шу улуғ юмушга камарбаста бўлиш ниятида юртимизда яна бир миллий газета — «Миллий тикланиш» ташкил этилар экан, барча ватан деган миллатпарварлар қатори биз ҳам унинг истиқболига табрик ила қўчоқ очиб чиқамиз. Зеро бизнинг мақсад ва маслагимиз, интилаётган манзилимиз ягонадир — Ватанимизнинг буюк келажаги!

Ҳозирдан кўзимиз етадики, «Миллий тикланиш» мамлакатимиздаги энг ўқишли, савияси юксак, маданияти намунали газеталардан бири бўлади. Унинг саҳифаларидан иймонли инсонларнинг қўлидаги покиза қаламдан тўкилган тафаккур дурдоналарини, холис таҳлил-тадқиқотларни, санъат ва адабиётнинг нафис нафасини топажакмиз. Буларнинг бари, иншоолло, «Миллий тикланиш»ни рақобатга арзирли, эътиборга лойиқ, сўзида субути бор газета бўлиб туғилишига замин бўлади.

«Ватан» миллий тараққиёт тарафдори!

«Ватан» янги газетага ойдин, хатарсиз йўл тилайди!

«Ватан»чилар

ТОПИЛМАЛАР ЖАВОНИ

Илҳом ҒАНИЕВ

БИР МАРСИЯ ТАРИХИ

Шимоли Сибир, жануби Афғонистон, Ҳиндистону Тибет, шарқи Мўғилистонгача ёйилган Туркистон ўз бошидан қанчадан-қанча қиёмат-қойим кунларни кечирди. Таланди, парчаланди... Не-не жаҳонгиру талотўпларни кўрди.

1937-39-йилларда 300 дан ортиқ туркистонлик ижодкор ҳибсга олиниб, кўплари узоқ шимол қамоқхоналарида қазо қилди, отилди. Шу кечмиш шоир Абдуллла Орифнинг қуйидаги байтида бутун туркистонликларнинг кўксидаги фарёди бўлиб қуюлди:

Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи,
Менинг ҳам қонимда қилич занги бор.

Ҳақиқатан, руҳимиздаги шу «аждодлар оҳи», «қонимиздаги қилич занги» тарихнинг турли чорраҳаларида биз — ворисларга ўзлигимизни ҳар нафас эслатиб туради. Сабоқ беради, журъат бахш этади!

Руҳиятимизга ўтли оҳи сингган шоирлардан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир. Чўлпон шеъриятининг умумий руҳияти — пафосига назар солсак, шоир асарларининг ботинида ҳам устивор туйғу — «аждодлар оҳи» ва «қилич занги» эканини ҳис этамиз.

Туркистон ўз бошидан оғир кунларни кечираётган 1922 йилнинг 4 августи — айни қурбон ҳайитини дўстлар даврасида нишонлаётган Анвар Пошо Балжувонда қатл этилди. Чўлпон шу воқеага бағишлаб, ўзининг «Балжувон» марсиясини яратди. Бу марсия ўз даврида Туркистоннинг бирор матбуотида нашр этилмаган.

Чўлпоншунослар «Балжувон» марсиясининг яратилиш тарихидан хабардор бўлсалар-да, ҳануз шеърнинг тўлиқ матни йўқлиги боис таниш эмас эдилар.

Яқинда Туркияда таҳсил олиб қайтган толиб илмлар Ҳусниддин Эшонқулов ва Асрор Афоқов «Турк маданияти» жаридаси саҳифаларидан бу тарихий марсия фотонусхасини олиб менга тақдим этдилар. Шеърнинг тўлиқ матни профессор Иброҳим Ёрқиннинг «...Чўлпоннинг «Балжувон» номли марсияси» мақоласига илова қилинган бўлиб, афсуски, фотонусхада журналнинг нашр йили, сони йўқ, фақат 123-номер қайд этилган.

Бу шеърнинг фақатгина бир банди Тошкентда босилган Чўлпон «Асарлар» уч жилдлигининг иккинчи китобига киритилган:

Энг сўнгги умидни қонга бўяган,
Оҳ, қандай хайрсиз замонлар келган?
Фарёдим дунёни бўғиб ўлдирсин,
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин...

Иброҳим Ёрқин матни билан юқоридаги банд ўртасида андак фарқ бор: учинчи мисра «Фарёдим дунёнинг борлиғин бўғсин» тарзида берилган, биз-нингча ҳам, мантиқан марсия руҳига ҳамоҳанг мисра ушбудир.

26 мисрадан иборат «Балжувон» марсиясида чўлпоннинг руҳи оламни қанчалар кенг қамрай олганига дуч келамиз.

Бугун «Балжувон» марсияси тўлиқ матни илк бор чоп этилмоқда.

БАЛЖУВОН

Фарёдим дунёнинг борлиғин бўғсин!
Умиднинг энг сўнгги ипларин узсин!
Ғазабдан титраган ёш бир йигитнинг
Тоғдек сийнасига ўқлар ўрнашмиш,
Тоғларда эрк учун юрган кийикнинг
Қора кўзларига мотамлар кирмиш.
Дарёлар, тўлқинлар титраркан бир эр
Зарбалар қаҳридан йиқилмиш қолмиш.
Қутқариш юлдузи йўқликка кирмиш
Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш.
Мармара йўллари, Эдирна йўли,
Чаталжа кенглиги, бўғоз торлиги.
Карпат баландлиги, Траблус чўли,
Гўзал Селаникнинг ширин боғлари.
Шаҳидлар юзига томгучи нурлар,
Қонлар йиғлатди-ку бизни бу хабар
Берлин кўчалари йигитнинг бирин
Тўп-тўлиқ, ғалвалар қўйнига олди.
Тифлис ҳаволари бир нажот эрин
Қора қонга бўяб ерларга солди.
Тарихнинг рангини кўп қонлар билан
Қорартган, толдурғон бироқ Балжувон
Энг сўнгги умидни қонга бўяган,
Оҳ, қандай уғурсиз замонлар келган.
Фарёдим дунёнинг борлиғин бўғсин!
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин!

1922 йил, август

ҲАЁТ ОДАМЛАРГА НАШЪАЛИДИР

Ер эгалари.
Суратлар муаллифи
Содиқ МАҲКАМОВ

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

Буюртма: Г — 0282

10000 нусхада босилди

Сотувда нархи эркин

Ҳажми 2 босма табоқ

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Газетанинг ушбу сонини **Маҳмуд Саъдий, Беккул Эгамқулов, Ашурали Жўраев, Ҳамро Қаршиев, Суннатулла Саимназаров, Баҳриддин Кўшмонов** тайёрладилар